БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 15 (19.686). • 1987 йил 18 январь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети «КПСС Красноярск ўлка комитетининг меҳнаткашлар социал-маиший шароитларини яхшилашга доир ишлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилганидек, Красноярск ўлкасида бир қанча корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш социал соҳадаги объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш билан муваффақиятли қўшиб олиб борилмоқда. А. П. Завенягин номидаги Норильск кон-металлургия комбинатида, В. И. Ленин номидаги Красноярск металлургия заводида, Хакасия паррандачилик фабрикасида, Октябрь 60 йиллиги номли совхозда ва бошқа базъи корхоналарда меҳнат қилиш, турмуш, ўқиш ва дам олиш учун зарур социал-маиший шароитлар яратилган.

Айни вақтда экономиканинг ривожланишини таҳлил қилиш ўлкада социал инфраструктура тез ривожланиб бораётган халқ хўжалиги эҳтиёжларидан сурункали орқада қолаётганлигини кўрсатади. Ўлка асосий саноат ишлаб чиқариш фондларининг бойлиги, капитал қурилиш ҳажмлари жиҳатидан РСФСРда етакчи ўринларни эгаллаётган бўлишига қарамай, меҳнаткашлар учун социал-маиший шароитларни таъминлаш борасида республикадаги ўртача даражадан анча орқада қолмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаси билан социал соҳа ўртасида ортиб бораётган тафовут бу ерда вужудга келтирилган потенциалдан самарали фойдаланиш имконини бермаяпти. Саноатда ишлаб чиқаришни ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари пасайиб кетди, ўтган беш йилликда шу кўрсаткичлар бўйича топшириқлар бажарилмай қолди. Асосий фондлардан фойдаланиш ёмонлашди.

КПСС ўлка комитетининг бюроси, ўлка ижроия комитети, ўлкадаги, шаҳарлар ва районлардаги партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари уй-жой ва маданий қурилиш планларининг бажарилиши учун амалий курашни авж олдириб юбормадилар. Кўп гражданлар шинам уй-жойга муҳтож.

Болаларни боғча ва ясли-ларга жойлаштириш муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Туғуруқхоналар, ихтисослаштирилган болалар касалхоналарининг шохобчалари дуруст ривожлантирилмаган. Клублар, маданият уйларининг анчагина қисми ташландиқ ҳолдадир. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари тармоғи анча етишмаяпти. Кўпгина бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришмаиший шароити қониқарсиз аҳволда.

КПСС ўлка комитети ва ўлка ижроия комитети маҳаллий резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш ҳисобига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун узилкесил чораларни кўрмадилар. Гражданларнинг шахсий хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш камайди. Ҳар учта ишлаб чиқариш корхонасининг бири ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга эмас.

Савдо, маиший, медицина хизмати меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Бир қанча жойларда, аввало, янги ўзлаштирилаётган районлар ва қишлоқ районларида етарли турдаги товарлар савдосида узилишларга йўл қўйилмоқда, хизмат кўрсатиш маданияти паст. Аҳолининг ҳақ тўланадиган кўпгина хизмат турларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилмаяпти. Саноат корхоналарининг учдан бир қисми халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан ҳали шуғулланмаяпти.

Инсон омили ролига етарли баҳо берилмаётганлиги, одамларнинг ҳаёти ва турмуши яхши йўлга қўйилмаганлиги, меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёж ва талабларига эътибор берилмаётганлиги аҳолининг кўплаб кўчиб кетишига ва кадрларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда, барқарор меҳнат коллективларининг қарор топтирилишини қийинлаштирмоқда. Канск-Ачинск ёқилғи-энергетика комплекси, Саян территориал ишлаб чиқариш комплекси объектларида, ўрмон саноати корхоналарида, айниқса, нохуш аҳвол вужудга келди.

Қарорда социал-иқтисодий ривожланишдаги катта камчиликларни бартараф этиш қурилиш комплексидаги жиддий қолоқликка бориб тақалаётганлиги қайд этиб ўтилади. Тегишли министрликлар, ўлка партия комитети ва ўлка ижроия комитети қурилиш ташкилотларининг қувватларини ошириш ва уларнинг ишлаб чиқариш базасини реконструкциялаш юзасидан ўз вақтида қатъий чораларни кўрмадилар. Кейинги беш йиллик мобайнида асосий ташкилотлар бажараётган ишлар ҳажми кўпаймади.

КПСС Марказий Комитети КПСС Красноярск ўлка комитети ва унинг биринчи секретари ўртоқ П. С. Федирконинг, ўлка ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ В. В. Плисовнинг эътиборини меҳнаткашларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларига раҳбарлик қилишдаги жиддий хато ва камчиликларга қаратди.

КПСС Марказий Комитети ўлка партия комитетидан, партия комитетларидан, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларидан, касаба союз ва комсомол органларидан социал соҳани ривожлантиришга муносабат тубдан ўзгартирилишини талаб қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ТЕМИР ЙЎЛЛАР МИНИСТРЛИГИДА КЕНГАШ

16 январь куни Москвада Темир йўллар министрлигида селектор алоқа орқали кенгаш ўтказилди. Кенгаш темир йўл транспортининг ва мамлакат ёқилғи-энергетика комплексининг ишига доир масалаларга бағишланди.

Унда қатнашиш учун жойларда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг раислари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раислари, транспорт, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари таклиф этилдилар.

Йўлларнинг бошлиқлари: Донецкдан — А. М. Кожушко, Свердловскдан — В. М. Скворцов, Москвадан — И. Л. Паристий, мамлакатдаги базъи йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ишларнинг аҳволи тўғрисида маълум қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади. У мазкур кенгаш КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг топшириғига биноан ўтказилаётганлигини айтди. Мисли кўрилмаган даражада қаҳратон совуқлар бўлиб, қалин қор ёққанлиги ва экономикани бошқаришдаги камчиликлар сабабли марказда ва жойларда халқ хўжалигидаги вазият жиддий мураккаблашганлиги шу кенгашни ўтказиш заруратини туғдирди. Партия ва халқнинг саботли меҳнати билан 1986 йилда экономикада қўлга киритилган позициялардан маҳрум бўлиш реал хавфи вужудга келди.

Бу йил алоҳида аҳамиятга молик йилдир, деб таъкидлади сўнгра Марказий Комитет секретари. Бу — Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йил, беш йилликнинг иккинчи йили бўлиб, бунда бир қанча саноат министрликларининг корхоналарида, йирик бирлашмаларда тўла социалистик хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш воситалари ишлай бошлади.

Афсуски, биз бу йилни сust бошладик, образли қилиб айтганда, ўтган йили тўпланган нарсаларни «еб» қўябошладик. Чунончи 1986 йилда юк ташиш планини 81 миллион тонна ошириб бажарган темир йўл транспорти ишида ижобий силжишлар рўй берган эди. Шунга қарамай, транспорт зарур даражадаги пухталик запасига эришмаган экан. Шу йилнинг январида юк ташиш борасида яна қарз ҳосил бўлиб қолди. Экономика бошқа бир қанча тармоқларининг, коммунал хўжалигининг қишга тайёргарлик кўришдаги нуқсонлари очилиб қолди. Жумладан, металлургия ва кўмир саноатида шундай бўлди.

Базъи бировлар мана шу барча узилишларни қаттиқ қор ва совуқлар билан изоҳлашга уринишмоқда. Аммо гап фақат шундагина эмас. Шу муносабат билан ҳозирги мураккаб шароитларда ҳам ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддалаётган нефтчилар, газчилар, энергетиклар, кўмир қазиб чиқарувчиларнинг коллективлари айтиб ўтилди. Уларнинг намунаси, тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур.

Кенгашда бир қанча шаҳарларнинг тармоқлари ва энергетика объектларида аварияслар содир бўлганлиги қайд этиб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг секретариати Горький ва Мурманск областлари аҳолисини иссиқлик билан таъминлашдаги узилиш фактларига принципиал баҳо берди, айбдорларни қаттиқ жазолади. Йўл қўйилган узилишлар айрим раҳбарларнинг партия ва давлат интизомини кўпол равишда бузганликлари, ўз вазифаларини масъулиятсизлик билан бажарганликлари, одамларга нисбатан тошбағирлик билан муносабатда бўлганликлари натижаси, деб баҳоланди.

Бундай ҳолларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди, деб таъкидлади Е. К. Лигачев, булар мамлакатда содир бўлаётган қайта қуришга асло тўғри келмайди, чунки қайта қуриш ўз моҳиятига кўра одамлар турмушини яхшилаш, демакдир. Партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари одамларнинг яшаш шароитларини таъминлаш, аҳолини иссиқлик ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаб туриш масалаларини қатъий контроль остига олишлари керак. Ҳатто бironта уй ёки квартира иссиқлик ва электр энергияси олмай қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун узил-кесил чоралар кўриш зарур.

Нутқда Донецк, Волга бўйи, Жанубий, Горький, Жануби-Шарқий темир йўлларнинг иши танқид қилинди. Уларнинг олдига мумкин қадар қисқа муддат ичида поездларнинг жадал ҳаракатини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Кенгашда темир йўл транспортидаги қолоқликни, ёқилғи-энергетика комплексининг ишидаги узилишларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. Бунда раҳбар кадрларни жой-жойига тўғри қўйиш, бошқарув ва ишлаб чиқаришнинг кечаю-кундуз ишлашини таъминлаш айниқса муҳимдир. Транспортда банд бўлган кишиларга эътибор бериш, уларга юқори унумли меҳнат қилиш ва яхши дам олиш учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларни иссиқ кийим-кечак, иссиқ овқат, транспорт билан таъминлаш муҳим.

Ҳозирги пайтнинг ўткирлиги ва муҳимлиги учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир транспорт ходими чуқур партиявий масъулиятни астойдил ҳис этиши ва ўзининг бутун ишини мана шунга асосланиб ташкил этиши керак.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский иштирок этдилар.

(ТАСС).

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИЧА ҚУРАЙЛИК

ЖАМИЯТШУНОСЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Партия назарий, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтиришга ғоят катта эътибор бермоқда. Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши буни яна бир бор яққол тасдиқлади. Илмий дунёқараши, совет кишиси шахсининг маънавий негизларини, унинг актив гражданлик позициясини шакллантириш жамиятшунослигининг энг асосий вазифасидир. Жамиятшуносларга совет жамияти маънавий потенциалини ривожлантиришни кўп жиҳатдан белгилаб берувчи идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг муҳим соҳаси ишониб топширилган.

Жамиятшуносларнинг 17 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари Бутуниттифоқ кенгашининг тавсияларини бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари ҳамда фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, жамиятшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари, етакчи жамиятшунос олимлар, идеология министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, оммавий ахборот ва пропаганда органларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** кириш сўзи билан очди. У ўтган йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши ғоявий-назарий жабҳани активлаштиришга кучли омил бағишлаганини таъкидлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ана шу кенгашдаги нутқида қайта қуриш ижтимоий онгни, марксча-ленинча тафаккурнинг ижодий куч-ғайратларини активлаштиришни, жадаллаштириш концепциясининг назарий бойликларидан ҳар томонлама фойдаланишни, проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашишни изланишни тақозо этаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Кенгаш ҳужжатларида КПСС XXVII съездининг халқни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, марксизм-ленинизм соҳасида илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш хусусидаги йўл-йўриқлари янада чуқур ривожлантирилди. Биз ана шу йўл-йўриқлар асосида ижтимоий фанлардаги ишларнинг аҳволини таҳлил этиб, Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда ижтимоий фанлар роли ни ошириш чора-тадбирларини белгилаб олишимиз керак.

Бу кенг кўламли ва мураккаб вазифалардир. Республика партия ташкилоти куч-ғайратини халқнинг ижодий кучларини сафарбар этишга, экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги марраларга чиқиб олишга қаратмоқда. Сўнгги йилларда республикамизда салбий ҳодисаларга қарши кураш, партия, совет, хўжалик органларини турли қаллоблардан, юлғичлардан, порахўрлардан тозалаш борасида катта иш қилинди. Бу жараён давом этмоқда ва уни коммунистлар, барча меҳнаткашлар тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Кадрлар батамом янгиланмоқда. Партияга садоқатли юзлаб янги, ҳалол ва камтар кишилар партия, совет, давлат, хўжалик ишларига кўтарилди. Марказий органлардан, мамлакатнинг йирик партия ташкилотларидан синалган кадрларни бизнинг илтимосимизга мувофиқ Ўзбекистонда ишлашга юборяётгани учун КПСС Марказий Комитетининг бу ёрдамини миннатдорчилик билан айтиб ўтишни истайман. Улар ўзлари билан бирга янги тажрибани, янгича ёндашувларнигина олиб келаётганлари йўқ. Улар бутун турмушимизни интернационаллаштиришга актив кўмаклашмоқдалар. Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари бу мададни совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, жамиятимиз бузилмас бирлигининг янги кўриниши, амалдаги чинакам ленинча интернационализм деб баҳоламоқдалар.

Бунга жавобан республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари партия режаларини бажариш учун, Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССР ҳиссасини кўпайтириш учун курашда кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5,8 процент кўпайди. 1985 йилдагига нисбатан кўпроқ миқдорда сабзавот, картошка, узум етиштирилди, пилла сотиш кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилди. Умумиттифоқ фондига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш кўпайди. Шу билан бирга, қайта қуриш сust, қийинчилик билан бормоқда. Экономика тараққиётида туб бурилиш бўлгани йўқ. Пахта, дон етиштириш планлари, капитал қурилиш топшириқлари бажарилмай қолди. Уй-жой проблемаси ўткирлигича қолмоқда. Маиший турмуш соҳасида, айниқса, қишлоқда ҳал этилмаган масалалар кўп. Идеология ишида камчиликлар ва нуқсонлар оз эмас, бу ҳақда биз Марказий Комитетнинг III пленумида батафсил гаплашиб олдик.

Буларнинг ҳаммаси турмушнинг идрок этишни тақозо қиладиган реал зиддиятларидир. Республикамизда ўн мингга яқин жамиятшунос ишлаб турибди. Улар илмий-педагогик потенциалимизнинг анча қисмини ташкил этадилар. Республиканинг маънавий ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган энг муҳим идеология, сиёсий-тарбиявий фаолият соҳаси уларга ишониб топшириб қўйилган. Уларнинг орасида пухта ўйлаб иш тутадиган тадқиқотчилар, ёшларнинг тажрибали мураббийлари оз эмас.

Шу билан бирга, институтлар ва кафедраларнинг иши даврининг талабларига ҳали мос эмас. Ҳом илмий асарлар, оддий ҳақиқатни такрорлаш учрамоқда. Кадрлар кексайиб бормоқда. Фан докторлари етишмаяпти.

Умумиттифоқ проблемаларини ишлаб чиқишда бизнинг жамиятшуносларимиз кам қатнашмоқдалар. «Вопросы истории КПСС», «Вопросы философии», «Научный коммунизм», «Вопросы экономики», «Советское государство и право» журналлари саҳифаларида кам ишлар, сиёсий-назарий ва амалий хулосалар зарур. Масалан, республика партия ташкилотининг коммунистлар авангардлик ролини ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги фаолияти, социал-синфий структура ҳамда миллий муносабатлардаги ўзгаришлар, салбий ҳодисаларни бартараф этиш йўллари, турмуш маданиятини, айниқса, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлаш каби масалаларни ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Атеистик тарбия масалалари алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Диний сарқитларга қарши курашда республикамизда жиддий камчиликлар мавжуд. Идеология кадрларига атеистик ишларни яхшилаш юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тавсияномалар керак.

Буржуа идеологиясига қарши курашда ҳужумкорликни ошириш талаб қилинади. Ҳозирча бу кураш оператив олиб борилмаяпти. Фанлар академиясининг «Чет эл адабиёти Ўрта Осиё республикалари ва уларга чегарадош мамлакатлар тўғрисида» бюллетенида бундан 3—4 йил муқаддам чиққан китоблар ва мақолалар обзори берилмоқда. Одамларда ижтимоий ҳодисаларга аниқ синфий позициядан туриб баҳо беришни тарбиялаш, совет турмуш тарзини актив пропаганда қилиш лозим.

Жамиятшуносларнинг бешдан тўрт қисми олий ўқув юртларида 292 мингга яқин киши таълим олмоқда. Бироқ кадрлар тайёрлаш ишида ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўқув юртларини битириб чиққанларнинг 42 проценти январь ойигача ўзлари тайинланган жойга ишга бормади. Бунда ижтимоий фанлар кафедралари ишидаги камчиликларнинг таъсири ҳам бор.

Ҳозир ёшлар билан иш олиб боришда ташаббускорлик, янгича ёндашувлар керак. Ҳар бир студентни мустақил фикр юритишга, ўз эътиқодини ҳимоя қилишга ўргатиш лозим. Бунинг учун эса ўқитувчининг ўзи кенг билимли, юксак маданиятли ва маънавий фазилатли одам бўлиши керак.

Партия ташкилотлари таълимнинг дунёқарашга оид мазмуни ва методологиясига алоҳида эътибор беришлари керак. Таълим беришда проблемалилик элементларини кучайтириш, ҳар бир машғулотни ҳаёт нафаси билан тўлдириш лозим.

Ижтимоий фанлар кафедралари студентларнинг ғоявий ва маънавий қиёфаси учун жавобгардирлар, улар студентларни ғоя ютуқларини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун кураш билан бирлаштиришга ўргатишлари лозим.

Октябрь революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги ғоявий-сиёсий ишлар учун кенг майдон очиб беради. Бу партия билан халқнинг шонли меҳнат ва жанговар анъаналарини янада ишонтирарли пропаганда қилиш учун, ленинча миллий сиёсатнинг самаралари ни чуқур очиб бериш учун, ёшларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтириш учун ажойиб имкониятдир.

Хуллас, вазифа республикамизда ғоявий-назарий ва педагогик фаолиятни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шунга қатъий ишонадики, мазкур кенгашимиз жамиятшуносларимизга ишни кучайтиришга, чуқурроқ ва олисроққа назар ташлашга, мутахассислар тайёрлашни яхшилашга, илғор ғоялар кучини олға томон ҳаракат қилиш практикасига ... ўн минг кишилик армияси кўп иш қилиши мумкин ва лозим. Улар орасида 350 фан доктори ва 4,5 минг фан кандидати бор.

Кейинги йилларда республика жамиятшунослари муайян ишларни амалга оширдилар. Тарихчилар Ўзбекистон Компартиясининг тарихига, социалистик қурилишга оид, Ўзбекистон меҳнаткашларининг Улуғ Ватан урушидаги галабага қўшган ҳиссаси, социализмни янада такомиллаштириш тўғрисида бир қанча асарлар яратишди. Философлар социал ва миллий муносабатларни ривожлантириш, материалистик диалектика назарияси масалалари юзасидан тадқиқотлар ўтказишмоқда. Экономистлар Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларини тадқиқ этмоқдалар. Тарихшунослик, манбашунослик, ҳуқуқшунослик, тил ва адабиёт соҳалари ҳамда ижтимоий фанларнинг бошқа кўпгина йўналишларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда эса, ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг аҳволи ҳозирча замон талабларига мос келмаяпти, жамиятшунослик практиканинг конкрет эҳтиёжларини кенг қамраб олган эмас, бир қанча олимларнинг сусткашлиги сезилмоқда.

Республиканинг социал-иқтисодий проблемаларини олиб кўрайлик. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, капитал қурилишни интенсив ривожлантириш йўллари чуқур назарий позицияларда туриб белгиланган асарлар кўп йиллардан буён яратилгани йўқ.

Жадаллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини халқ хўжалигининг барча тармоқларига кенг қўламда жорий этиш жараёни муносабати билан республика олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Бу нарса ижтимоий тафаккур янгиланишини, оммани тарбиялашга, мутахассислар тайёрлашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилишини ҳам тақозо этади. Биз академия институтларидан ҳам (П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Ю. Юсупов), олий ўқув юртларининг кафедраларидан ҳам (М. С. Салоҳиддинов, Н. М. Науменко) ишда, айниқса, академия бўлимларининг ишида жиддий ва жадал қайта қуришнинг анча чуқур тематик планларини кутишга ҳақлимиз.

Жамиятшуносларимиз ишини қайта қуриш ниҳоятда сust олиб борилмоқда, у олимлардан бир қисмининг тафаккуридаги консерватизмга, уларнинг ҳеч нарсадаги ... ни ўзгартирмай, эскичасига яшаш ва ҳаракат қилиш муддаосига дуч келмоқда. Тафаккурнинг қолоқлиги, схоластика, догматизм институтларнинг, олий ўқув юртларининг, ижтимоий фанлар кафедраларининг кўпгина асарларига хосдир.

Энг муҳим проблемаларни чуқур ишлаб чиқиш ўрнига кўпинча ҳаммага маълум ҳақиқатни такрорловчи ва реал қимматга эга бўлмаган «илмий» маҳсулот берилмоқда. Масалан, «Фан» нашриёти ўтган йили ёпиқ тақриз учун 95 та қўлёзмани юборган эди, шундан 62 тасига ёки учдан икки қисмига салбий фикрлар билдирилди.

Республика баъзи олимларининг асарларида революцияга қадар ўтмишнинг тарихий воқеаларига баҳо беришда партиявий, синфий принциплардан чекинишга йўл қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида бу ҳақда принципиал гаплашиб олинди.

Иқтисодчи олимларга ва сиёсий иқтисод соҳасидаги мутахассисларга нисбатан жиддий эътирозлар бор. Республикада экономика масалалари билан шуғулланувчи 4 та илмий-тадқиқот институти, Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтларининг 3 та филиали, меҳнатни илмий ташкил этиш иккита маркази, экономика олий ўқув юрти мавжуд. Уларда 2,5 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Ҳолбуки, ана шу кўплаб иқтисодчиларнинг иш самарадорлиги жуда пастлигича қолмоқда, базъиларнинг эса мутлақо самара бермаяпти.

Пахта комплексини ривожлантириш проблемалари кўп йиллардан буён натижасиз муҳокама қилиб келинмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтида иқтисод фанлари доктори А. Сафоев раҳбарлигидаги олимлар группаси қариб йигирма йилдан буён пахта комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари соҳасида ишлаб келмоқда. Шунча вақт ичида тоғ-тоғ қоғозлар ёзиб ташланди, ўнлаб ҳар хил конференциялар ўтказилди, кўплаб монографиялар нашр этилди, диссертациялар ёқланди, аммо энг асосий нарса — амалий натижалардан дарак йўқ.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганувчи кенгаш (раиси С. К. Зиёдуллаев) ва Фанлар академиясининг экономика институти (директори А. Ҳ. Ҳикматов), Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги экономика институти (В. А. Осьминин) ва меҳнатни илмий ташкил этиш ҳамда меҳнат ресурсларини бошқариш марказий институтининг Ўзбекистон филиали (А. А. Абдуғаниев), қишлоқ хўжалиги экономикаси Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти (С. Н. Усмонов) меҳнат проблемалари ва меҳнат ресурслари муаммолари билан бир неча йиллардан буён шуғулланиб келмоқдалар. Яна бошқа бир қанча ўнлаб илмий муассасалар ҳам ана шу жуда муҳим проблемалар билан шуғулланмоқда. Бироқ, қанча ва қандай категориядаги кишилар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаган? деган конкрет савол берилганида, биз бунга жавоб ололмадик, ишларнинг ҳақиқий аҳволини аниқлаш учун маҳаллий Советларнинг барча депутатларини, шаҳар, район партия комитетларини оёққа турғазишга тўғри келди.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, интенсивлаш, сифат жиҳатдан янгилаш, халқ хўжалигини самарали юритиш асосий, туб масалалардир. Тадқиқотларнинг конкрет вазифалари ва темаларини айни мана шу йўналишда белгилаб олиш, тармоқлараро ва территориал ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш, агросаноат комплекси тармоқларини мутаносиб равишда ривожлантириш йўлларини излаб топиш керак ва ҳоказо.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўлка ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари бажарилиши устидан контрол кучайтирилсин. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, шахсни ҳар томонлама камол топтиришда туб бурилишнинг ҳал қилувчи омили сифатида меҳнаткашлар учун тегишли социал-маиший шароитларни яратиш чоралари амалга оширилсин.

Социал соҳани жадал ривожлантириш асосида кадрларнинг асоссиз кўчиб кетиши ва қўнимсизлиги изчиллик ва қатъият билан камайтирилсин, юксак даражада уюшган, барқарор меҳнат коллективлари шаклланиши, вужудга келтирилган қудратли ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлиги анча оширилиши таъминлансин. Меҳнат коллективлари социал вазифаларни рўёбга чиқаришдаги қолоқликни қатъиян бартараф этишга, план топшириқларини сўзсиз бажаришга ҳамда, айниқса, хўжалик жиҳатидан актив ўзлаштирилаётган районларда уй-жойлар, социал-маиший ва табиатни муҳофаза қилиш объектлари қуриш ҳажмларини анча оширишга сафарбар қилинсин. Ишлаб чиқариш соҳаси ва социал соҳани ривожлантиришда комплекслилик ва мутаносиблик таъминлансин.

Ўлканинг партия ва совет органларига, хўжалик раҳбарларига социал проблемаларни жадаллик билан ҳал этиш борасидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, шу жумладан, корхоналар ҳамда бирлашмаларнинг уй-жойлар, социал-маданий ва маиший объектлар қурилишида хўжалик усулини кенгайтириш, ёшларнинг уй-жой комплексларини қуришга, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга меҳнат коллективларини жалб этиш юзасидан Горький автомобиль заводи, АвтоВАЗ коллективларининг ташаббусларини, ўзидаги илғор корхоналарнинг тажрибасини кенгроқ оммалаштириш таклиф этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ўзларига қарашли территорияларни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш учун, қурилишларнинг сифати ҳамда шаҳарларнинг, ишчилар яшайдиган посёлкалар ва қишлоқларнинг архитектура қиёфасини яхшилаш, уйларни ва бошқа объектларни қабул қилиб олишда қатъий тартиб ўрнатиш учун уларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу ишга доимий комиссияларни, депутатлик постлари ва группаларини кенг жалб этиш керак. Хўжалик раҳбарларининг социал-маданий ва коммунал объектлар барпо этишни планлардан чиқариб ташлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қатъиян чек қўйилсин. Корхоналар ва ташкилотлар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, уларнинг социал-маиший инфраструктура объектларини қуриш ва табиатдан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

КПСС Марказий Комитети, Ўлка партия комитети билан ўлка ижроия комитети зиммасига маҳаллий ресурслар: колхоз ва совхозларда, аҳоли ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш ва тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш йўли билан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади. Аҳолининг товарларга ва ҳақ тўланадиган хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўлароқ қондирилиши, савдо, медицина, маданий-маиший хизмат, умумий овқатланишни ташкил этиш тубдан яхшиланиши таъминлансин.

КПСС Марказий Комитети КПСС ўлка комитетининг, шаҳар, район партия комитетларининг зиммасига маиший хизмат соҳаси меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини ошириш вазифасини юклади. Раҳбарлик лавозимлари ташаббускор, билимдон кадрлар билан мустаҳкамлансин. Уларнинг куч-ғайратлари бу ерда вужудга келтирилган моддий базадан самарали фойдаланилишига, унинг техникавий жиҳатдан реконструкция қилиниши ва модернизациялашишига, меҳнат сифатини оширишга, шу соҳа ходимларининг уй-жой, турмуш ва дам олиш шароитларини, уларнинг маънавий тарбиясини яхшилашга қаратилсин.

СССР Госпланига Красноярск ўлкасининг минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштираётган министрликлар ва идоралар билан биргаликда социал соҳани ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлайдиган бўлишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш қурилишига ажратилаётган маблағлар пропорцияларини белгилаш топширилди.

Ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда қатнашаётган Урал ва Сибирь районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги ҳамда бошқа министрликлар қурилишмонтаж ташкилотларининг қувватларини ошириш борасида йўл қўйиб бўлмайдиган даражада сусткашлик қилаётганликлари қайд этилди.

Ўлкада иш олиб бораётган пудратчи қурилиш министрликларига, ўлка ижроия комитетига қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати базасини ривожлантиришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, бу ерда банд бўлган меҳнат коллективларининг бир маромда ишлашини йўлга қўйиш, кадрлар қўнимсизлигини ва иш вақтининг зое кетишини кескин камайтириш чораларини кўриш таклиф этилди. Икки сменали иш учун зарур ишлаб чиқариш ва маиший турмуш шароитлари яратилсин, меҳнат коллективлари барқарор қилинсин.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги, СССР Оғир машинасозлик саноати министрлиги, Урал ва Сибирь районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, бошқа министрликлар ва идоралар ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб ўлка меҳнаткашларининг, айниқса, янги қурилиш районларида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари билан норматив бўйича таъминланишига эришиш учун амалий чоралар кўришлари зарур, деб топилди.

Тегишли министрликлар ва идоралар партия комитетларининг диққат-эътибори марказий аппаратнинг Красноярск ўлкаси ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш, меҳнаткашларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорларини бажариш соҳасидаги ишини контрол қилишни кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига социал-маиший соҳадаги ишларнинг аҳволини синчиклаб анализ қилиш ва уни муваффақиятли ривожлантириш учун конкрет чоралар кўриш таклиф қилинди. Меҳнаткашларнинг юқори унумли меҳнат қилишлари, соғлом турмуши ва мазмунли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилиши юзасидан раҳбарларнинг масъулияти кучайтирилсин. Социал масалалар меҳнаткашларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фикрига таяниб, кенг демократик асосда ҳал қилинсин, социал адолат принциплари актив амалга оширилсин.

Оммавий ахборот воситалари — матбуот, телевидение ва радиога партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг меҳнаткашлар социал-маиший шароитларини яхшилаш соҳасидаги фаолиятини атрофлича кўрсатиб бориш тавсия этилди. Социал ривожланиш планлари бажарилишини таъминламаётган раҳбарлар кескин танқид қилинсин.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИЧА ҚУРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Экономикани структура жиҳатдан қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги формаларини ишлаб чиқиш йўлларини қидириб топишни ҳам жадаллаштириш, самарадорлик, сифат вазифаларини ҳал этишга бўйсундириш зарур.

Порахўрлик, социалистик мулкни талон-торож қилиш, чайқовчилик, мешчанлик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, социалистик адолат нормаларини бузиш каби ва бошқа антисоциал ҳодисаларнинг сабабларини ўрганиш масалалари жамиятшунос олимлар эътиборидан четда қолмоқда, деб таъкидланди докладда.

Академия институтлари ислом дини билан боғлиқ проблемаларни, унинг гнеологик, социал-сиёсий илдизларини, янги инсонни камол топтириш жараёнига диннинг салбий таъсирини, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш форма ва методларини тадқиқ этишни кўп йиллар мобайнида планлаштирмадилар ва амалга оширмадилар. Бунинг устига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий атеизм секторида ходимларнинг атиги саккиздан бири махсус базавий маълумотга эга экан.

Ўзбекистон халқларининг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболини, КПССнинг ленинча миллий сиёсатини жуда маккорлик билан бузиб кўрсатаётган буржуа «советшунослари»нинг ғайриилмий ва халққа зид фаолиятини фош этиш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳам ҳозир бизни қаноатлантириши мумкин эмас.

Ҳозир биз жамиятни маънавий ва социал ривожлантириш проблемаларига бағишланган чуқур илмий ишланмаларга, фундаментал асарларга ғоят муҳтожмиз. Экономика, соҳасида содир бўлаётган жараёнлар, хўжалик соҳасида ўтказилаётган эксперименталр, фан-техника тараққиёти асосида социал-иқтисодий ва маънавий соҳанинг ўзаро таъсири диалектикасини, инсон омилини ривожлантириш диалектикасини идрок этиш, бу омилнинг битмас-туганмас резервларини топиш зарур.

Фалсафий тадқиқотларнинг ҳозирги аҳволи катта ташвиш туғдирмоқда. Характерли бир мисолни келтирамиз. «Вопросы философии» Иттифоқ журнали республика философларига ўз асарлари билан алоҳида сон тайёрлаш имконини берганда, у бардоқ бўлиш ёқасига келиб қолди — олимларимиз мақолаларининг мутлақ кўпчилиги талабларга мос келмайди, деб рад қилинди. Ваҳолонки, Ўзбекистонда докторлик ва кандидатлик дипломлари бўлган 650 нафар философ бор.

Кейинги беш йил ичида мамлакатнинг марказий нашриётларида философларимизнинг амалда биронта ҳам монографияси босиб чиқарилмади, марказий журналлар ҳам уларнинг ишларини қабул қилмаяпти. Республика философлари мамлакат философлари билан қалин ҳамдўстликда ишлаб, ўз ишларини сарфлайдиган асосий нуқталарни топишлари лозим. Улар миллий ишчи кадрларнинг вояга етказиш жараёнларини, буржуа милларчилигининг, хусусий мулкчилик, майда буржуа психологиясининг яшовчанлигини, феодал-бойларча хатти-ҳаракат сарқитларининг сабабларини тадқиқ эта бориб, кўп нарсани аниқлашлари ва практикага таклиф этишлари мумкин эди.

Атеизмга, СССР халқлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш, иттифоқдош республикалар иқтисодий интеграциясининг, рус тилининг миллатлараро муносабатлардаги аҳамияти ва роли проблемаларига оид чуқур тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Шуни дангал айтиш керакки, бизнинг философларимиз республика партия ташкилоти ҳал этаётган проблемалардан ҳали жуда чеккада турибдилар. Кадрлар сиёсатидаги мавжуд бузилишларга оид масалалар диққат марказидан четда қолмоқда. Улар материалистик қарашларни, коммунистик эътиқодни, янгича тафаккур услубини қарор топтириш ишида тавсияномалар ишлаб чиқишда, янги совет маросимлари ва анъаналарини турмушга тадбиқ этишда, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришда дуруст ёрдам бермаяптилар.

Партия тарихига оид фан тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу соҳада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин анча вақт ўтган бўлишига қарамай, олимлар ҳамон кузатувчилар бўлиб турибдилар. КПСС XXVII съезди республика партия ташкилоти кескин, лекин одилона танқид қилинган бўлсада, мазкур съезд қарорлари нуқтаи назаридан ўтмишга баҳо берилмаяпти.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги шароитдаги фаолиятини ёритувчи кўпгина асарлар партия ҳужжатларини умумий ва юзаки шарҳлар, ўз билишича танланган, асосан ижобий статистика асосида санаб ўтишдан иборат бўлиб, уларда ўткир масалаларни четлаб ўтишга интилиш кўринибди турибди. Илмий таҳлил ўрнини баландпарвоз декларациялар, кўпдан-кўп цитаталар ва сафсатабозлик эгаллаган. Тадқиқотлар ҳаёт талабларидан, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги практикасидан ажралиб қолган бўлиб, уларда ишларнинг ҳақиқий аҳволи очиб берилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, олий партия мактаби, олий ўқув юртларининг КПСС тарихи кафедралари партия тарихига оид проблемалар билан шуғулланмоқда. Бироқ кейинги вақтда ҳимоя қилинган 20 та докторлик ва кандидатлик диссертациясини таҳлил этиш уларнинг кўпчилигидаги таклифлар декларатив характерда бўлиб, практика аллақачон чиқарган хулосалар баён этилганлигини, партия ишининг маълум қонун-қондалари гўё кашфиёт сифатида тақдим этилганлигини кўрсатди.

Ижтимоий фанларнинг бундан буён ана шундай сурватда ривожлантирилишига тоқат қилиб бўлмайди. Фалсафа-ҳуқуқ, тарих, иқтисод ва адабиётшунослик фанлари — бу бутун идеология ишимизнинг асосий негизидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фанлар академиясидан, Марказий Комитет ҳузуридаги Партия тарихи институтидан, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигидан, Маориф министрлигидан ижтимоий фанларни ривожлантириш масалалари бутун комплексига раҳбарликни жиддий қайта қуришни кутади.

Жамиятшуносларнинг эълон қилинадиган асарлари сифатини оширишга оид қатъий чоралар кўриш зарур. Унчалик муҳим бўлмаган, ҳаёт талабларидан узоқ, юзаки, баъзида зарарли асарлар ҳамон босилиб чиқмоқда. Тошкент политехника институтининг профессори, тарих фанлари доктори А. Ўролов бир неча йил давомида бир монографияни турли номлар остида қайта-қайта нашр эттирганлиги кўпчиликка маълум. Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Ш. Каримовнинг «Ривожланган социализм шароитида студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш» мавзуидаги асари кўпгина саволлар туғдиради.

Баъзида шундай ҳоллар ҳам учраб туради: А. П. Панабергеновнинг «Қорақалпоғистон партия ташкилоти Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигини тиклаш учун курашда» китобида А. Тожимуратовнинг «Совет ҳокимияти йилларида Қорақалпоғистондаги иқтисодий ўзгаришлар» асаридан бутун-бутун betлар сўзма-сўз кўчириб олинган.

Жамиятшуносларнинг тадқиқотчилик фаолиятидаги кўпгина камчиликлар илмий асарлар тематикаларини мувофиқлаштиришнинг аҳволи яхши эмаслиги билан изоҳланади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, унинг гуманитар фанлар институтлари, Тошкент университетининг кафедралари ҳали тадқиқотлар системасини илмий асосда ташкил этувчи умум эътироф этган марказларга айланмаган.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, социал ва сиёсий системани, социалистик ўз-ўзини бошқарув ва демократияни такомиллаштириш, кўп миллатли совет давлатчилигини, фан-техника тараққиётининг социал ва иқтисодий жиҳатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятни муттасил такомиллаштиришда инсон омили ролини ошириш проблемаларига нисбатан жиддий бурилиш қилиб, тадқиқотлар учун планлаштиришнинг мавзуларни ўзига хос «ревизия» қилиш талаб этилади.

Олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг бутун системасида ижтимоий фанлар кафедраларига алоҳида аҳамият берилади. Ижтимоий фанлар кафедралари олдига ёшларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш каби ғоят муҳим вазифалар қўйилган. Айни вақтда олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитиш системасида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. КПСС XXVII съездида, ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида ана шу камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди.

Корхоналар, заводлар, совхоз ва колхозларда интенсив қайта қуриш амалга оширилаётганлигига қарамай, марксизм-ленинизм назариясини ўқитиш бу жараёнлар билан деярли боғлаб олиб борилмаяпти. Социализмни такомиллаштириш йўлидаги проблемалар ва вазифалар, зиддиятлар ва салбий ҳолатлар кўпинча четлаб ўтилмоқда. Шу нарса сир эмаски, баъзида педагогнинг турмушдаги проблемалари моҳиятини очиб беришга лаёқатсизлиги эришилган муваффақиятларимизга нисбатан студентларда шубҳа туғдирмоқда. Қироатхонлик ва догматизм, расмиятчилик ва реал турмушни юзаки тасаввур қилиш студентлар ўртасида мунозаралар олиб бориш имконини бермайди, ростгўйлик ва ошкораликка интилишни тарбияламайди ва табиийки, мустаҳкам гражданлик позицияларида турган, сиёсий жиҳатдан актив шахсни камол топтиришга мутлақо хизмат қилолмайди.

Кўпгина кафедраларда сиёсий иқтисод фани реал турмушдан, ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини таҳлил этишдан батамом ажралган ҳолда, студентларнинг бўлажак касбини ҳисобга олмай ўқилмоқда. Тошкент медицина институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида бунга йўл қўйилмоқда. Институтда лекциялар кўпинча бугунги кун вазифаларидан ажралган ҳолда ўқилмоқда.

КПСС тарихи сингари фанни ўқитишда жиддий камчиликлар мавжуд. Партиянинг ташкил этилиши, ривожланиши ва камол топишига оид мураккаб жараёнларни ва унинг жамият бошдан кечирган тарихий йарзалар билан алоқаларини тўғри тасаввур қилиш талаб этилади. Партия назарияни практика билан узвий боғлаганлиги учун ҳам синалмаган, аммо тўғри йўлдан борганлигини айни КПСС тарихи кўрсатиб бериши зарур.

Аммо кўпгина олий ўқув юртларимизда партия тарихини ўқитиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Масалан, Самарқанд университети КПСС тарихи кафедраси бир қанча ўқитувчиларининг лекциялари кўпинча юзаки баёндан иборат бўлиб, фақат ўтмишга қаратилган. Иш шунгача бориб етадики, баъзи КПСС тарихи ўқитувчилари ўз лекцияларида КПСС XXVII съезди материалларидан ва бошқа партия ҳужжатларидан кам фойдаланадилар ёки умуман фойдаланмайдилар.

Илмий атеизм фанини ўқитиш ишларининг аҳволи, айниқса, хавотирлик уйғотади. Бу ишда ҳамон юзаки ёндашув, қуруқ назарий фикрлар устунлик қилмоқда. Масалан, Фарғона давлат педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг ўқитувчиси О. Умаржонов ислом динини фош қилиш ўрнига Муҳаммад ва унинг уруғ-аймоқлари фаолиятини таърифлаб, ислом анъаналари тўғрисида сафсатабозлик қилди. О. Умаржонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми материалларини ғоят юзаки билиши аён бўлиб қолди.

Муаллимлар дарснинг қизиқарли бўлишига уриниб, ислом ақидаларини, диний маросимларни синфий нуқтаи назардан тушунтириб беролмаётганликлари, тингловчиларни майда-чуйда жиҳатлар билан чалғитаётганликлари ёшларнинг муайян қисмида диний хусусиятларга, анъаналарга ва расм-русмларга носоғлом қизиқиш уйғотади.

Олий ўқув юртларимизда атеизм фани паст савияда ўқитилаётганлиги, динга қарши курашда ҳужжатлар етишмаётганлиги студентёшларнинг, ҳатто олий ўқув юрти зиёлилари ва илмий зиёлиларнинг анча қисми ислом ақидаларига асир бўлиб қолишига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси мусулмон руҳонийлари ислом маросимлари ва анъаналари халқ маросимлари ва анъаналаридан ажралмас, деб зўр бериб тарғиб қилаётганликлари туфайли янада кучайиб кетмоқда. Далил-исботлар билан зарба берилмагач, ҳар бу фикрни халққа сингдиришга ҳам интилмоқдалар.

Ҳар қандай жамиятшунос жанговар атеист бўлмай туриб, марксча-ленинча идеологиямизнинг чинакам курашчиси бўла олмайди. Марказий Комитет илмий атеизмни ёритиш ва ўқитишга оид барча ишларни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Бу соҳадаги ишларни ёшлар дин, шу жумладан, ислом динининг реакцион моҳияти ва зарарини чуқур англаб етишларига қаратиш, йиғин ва қизларни буржуа-клерикал идеологияси, миллатчиликнинг турли кўринишларига қарши ҳаракат қилишга ва қарши пропаганда ва атеистик ишларнинг кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатиш зарур.

Студентларни асл манбаларни чуқур ўрганишга йўналтириб, марксча-ленинча назариянинг барча таркибий қисмлари билан боғлиқ ҳолда ўқитишни таъминлаш, уларда марксча-ленинча методология базасида ижтимоий турмуш ҳодисаларини мустақил таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий фанлар кафедраларининг ишида ғоят муҳим аҳамиятга эга. Лекин ҳозирча бунга ҳамма жойда ҳам эришиляпти, деб бўлмайди.

Тошкент медицина ва политехника институтларида ўтказилган тадқиқотлар кўпчилик студентлар марксча-ленинча фалсафанинг энг оддий масалаларини билмасликларини, мамлакатнинг сиёсий ҳаётидан яхши хабардор эмасликларини, энг муҳим партия ҳужжатлари билан танишиб чиқмаганликларини кўрсатди. Ўтган ўқув йилида битирувчиларнинг деярли 30 проценти илмий коммунизмдан давлат имтиҳонларида «қониқарли», 7 проценти «қониқарсиз» баҳо олди. Нукус университетида, Тошкент театр санъати ва

(Давоми учинчи бетда).

• *Назария масалалари*

АТЕИЗМ ВА МАДАНИЯТ

Онглилик ва фаолиятнинг узвий бирлиги сифатида тушуниладиган инсон омилини активлаштирмай туриб қайта қуришда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Юксак онглилик илҳом бахш этган оммани актив фаолиятигина социализмни сифат жиҳатдан янгилашда бунёдкор куч бўлиши мумкин. Шунга эришмоқ керакки, марксча-ленинча эътиқод шахсан идрок этилган, тафаккурни қайрайдиган ички эҳтиёжга айлансин, яъни яшаш ва меҳнат қилишда чинакам ишончли мададкор бўлиб қолсин. Бу вазифани ҳал этишга илмий атеизм ҳам ўз улушини қўшмоғи керакки, у марксча-ленинча назариянинг бошқа бўлимлари билан биргаликда коммунистик тарбиянинг дунёқараш-ғоявий асосини шакллантиради. КПСС XXVII съездида ижтимоий фанлар шаънига айтилган танқид илмий атеизмга ҳам баб-баравар таллуқлидир. Жамиятшунослик системасини қайта қуриш бўйича бошланган ижодий иш жараёнига илмий атеизм аллақачоноқ фаол қўшилиб кетиши лозим эди.

* * *

Янги атеистик дунёқарашнинг фундаментал принциплари марксизм классиклари томонидан асослаб берилган. Метафизик материализм қоидаларига суянувчи илгариги атеизм воқеликка томошабиндек қараган. Моҳиятига кўра, худони шунчаки инкор этиб қўяқолган бу атеизм инсон турмушини ана шу инкор қилиш орқали қарор топтирарди. Аммо, динни **далил-исботсиз** инкор этадиган, муттасил равишда динга мурожаат қиладиган атеизм динсиз ўз-ўзича ҳеч нарса эмас ва шунинг учун ҳам унинг ўзи диндир (Қаралсин: К. Маркс, Ф. Энгельс. 36-том 161-бет). Диалектик ва тарихий материализмнинг назарий фундаментига асосланадиган марксистик атеизм онгнинг диний формаси моҳияти ва келиб чиқиши хусусида янги, чинакам илмий қарашни ишлаб чиқди. У актив ҳаёт бахш этувчи ибтидо сифатида ўзи инкор этадиган динга дунёни билиб олишнинг назарий жиҳатдан идрок этилган ва фалсафий жиҳатдан умумлаштирилган илмий билиш ва маънавий-амалий тажрибасини бутун тўлалигича қарама-қарши қўяди.

Ҳозирги вақтда илмий атеизм доирасида бир қанча муҳим проблемалар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, илмий-тадқиқот ва атеистик-пропагандистик фаолиятни янада авж олдириш атеизм назарияси ва практикасида бир қатор муҳим нуқсонларни бартараф этишни талаб этади. Жумладан, дин ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини очиб бериш илмий ва ғоявий аҳамиятга эгадир.

ПРАВДА
Орган Центрального Комитета КПСС

Бу масалани ҳал этишда конкрет тарихий таҳлилга амал қилиш керакки, у инсоният тарихида диннинг ролини мақтаб кўкларга кўтариш ҳам, уни ўзига хос муҳолиф маданият сифатида кўрсатадиган қалбаки социологик тасаввурлар ҳам мутлақо асоссиз эканлигини тушуниб олиш имконини беради. Қатъий қилиб айтиладиган бўлса, маданият ва диннинг ўзини эмас, балки маданиятнинг дунёвий ва диний интиҳосини қарама-қарши қўйиш керак эди. Бундай ўзаро нисбат даврдан-даврга, бир региондан-иккинчисига алмашиб турган. Чунончи, ўрта асрларда шарқий регионда ҳам, ғарбий регионда ҳам маданиятларда диний маданият ҳиссаси устунлик қилган. Бироқ ҳар икки маданиятнинг тарихан бирлиги дунёвий ва диний маданиятлар курашини истисно этмаган — бу курашнинг шиддати олдинги асрлардагидан кам бўлмаган. Уларнинг ўзаро муносабатлари ролига келганда, бу хусусда фақат муайян тарихий контекстда фикр юритиш мумкин.

Масалан, исломни «цивилизаторлик дини» деб эълон қилувчи мусулмонлар идеологияси фикрига қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, Ўрта Осиёда динни ўт ва қилич билан жорий қилганлар ўша вақтда ўзларига бўйсундириб олинган халқларнинг бебаҳо маданият ва цивилизация ёдгорликларини мунтазам ва атайин йўқ қилиб ташлашдан ўзларини тиймаганлар. Иккинчидан, Ўрта Осиё халқлари, шунингдек, ҳозирги Афғонистон ва Эрон XVI асрдан бошлаб ўз тараққиётларида орқада қола бошлаган эканлар, бунда тарихий айбдорликнинг каттагина улуши бутун бир регионни хурофотнинг қуюқ тумани билан ўраб олган ислом зиммасига тушади.

Аммо тарихнинг мазкур шак-шубҳасиз фактларига қарамай, «ислом ва маданият» темаси мусулмон маддоҳлари томонидан кўпдан бери системали равишда фойдаланиб келинмоқда. Ҳижрий сананинг ўн бешинчи асри киришига тўғриланган юбилей тадбирларидан тарихда «ислом мислсиз маданий роль» ўйнаганлигини идеологик реклама қилиш учун кенг фойдаланилганлиги тасодиф эмас.

* * *

Ворислик — умуман марксистик фалсафа тарихи ва хусусан маданият фалсафасининг энг муҳим категориясидир. Афсонавий Антей оёғи она ерга теккканида жисмига янги куч-қувват қуюлиб келганидек, одамларнинг ҳар бир авлоди ҳам ўзидан олдин ўтган авлодларнинг социал ва маънавий тажрибасига таяниб оёққа туради.

СССРда рўй берган маданий революциянинг реал миқёслари ва оқибатлари шундайки, биз мазкур чинакам оммавий ҳаракатнинг моҳияти, заруратлиги ва социал аҳамияти мағзини чақишга ҳали қайта-қайта мурожаат қиламиз. Шу муносабат билан Ғарб советшуносларининг уйдирмаларига кескин эътироз билдиришга тўғри келади. Улар маданий революцияни талқин қилганларида унинг бунёдкорлик кучини эмас, балки қоқилишларини алоҳида таъкидлайдилар ва буни гўё юқоридан тиқиштирилган атеистик кўрсатмалар оқибати, деб тўғридан тўғри ёки эгри йўллар билан изоҳлайдилар. Ўзининг амалдаги моҳияти билан ҳам, ғоявий йўналиши билан ҳам тарафкашлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бундай баҳолаш партиянинг Октябрдан кейинги даврдаги маданий-ўзгартирувчилик фаолияти тарихий маъноси ва аҳамиятини бузиб кўрсатади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин ташаббуси билан ўтмишнинг маънавий меросини асраш ва ўзлаштиришга қаратилган бир қанча амалий тадбирлар рўёбга чиқарилди. 1918 йилнинг ўзидаёқ Совет ҳукумати тарихий ёдгорликлар ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 20 дан зиёд декрет ва қарорларни эълон қилган эди. Бу муҳим қарорларнинг амалга оширилиши, жумладан, шунда намоён бўлдики, янги ҳокимиятнинг дастлабки беш йили мобайнидаёқ икки юздан зиёд тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, кўпдан-кўп қадимги икона ва фреска (деворга солинган расм)лар таъмирланди. Миллий чекка ўлкаларнинг маданиятини қайтадан вужудга келтиришга ҳам катта эътибор берилди.

Модомики, бугунги кунда ўтмиш хатоликлари тўғрисида гапираётган эканмиз, бунинг боиси шуки, бизнинг ўзимиз ҳам маънавий жиҳатдан ўсдик.

Совет маданият фондининг таъсис этилганлиги ўз-ўзини ижтимоий англаш ўсганлигининг кўриниб турган тасдиғидир. Шунингдек, мутахассис олимларнинг этнографик парклар (хусусан Москвада) ва компьютер хотираларга ёзилган этнографик маълумотлар банкини яратиш тўғрисидаги таклифлари ҳам диққатга сазовордир.

Ҳозирги вақтда қилинган ишларни, шу жумладан, гуманитар фанлар соҳасида қилинган ишларни танқидий қайта баҳолаш шароитларида анъанавий илмий проблемаларни, хусусан «маданият ва дин» проблемасини ҳам янада чуқурроқ, конъюнктурачиликдан ҳоли равишда ишлаб чиқиш зарур. СССР халқларининг миллий маданиятлари умуман атеистик бўлган жамиятда ўз равнақига эришганлиги фактининг ўзи христиан, ислом ва шу каби динлар идеологларининг дин ҳамда маданият хусусида уларни ягона системали қон айланиши орқали бир-бири билан боғланган инсон руҳининг ҳосиласидир деган асоссиз гапларини рад этади. Эндиликда гап тарихчилар ва маданият назариётчиларида қолди: улар дин қачон ва қандай қилиб у ёки бу халқ маданиятига таъсир ўтказгани ва бу таъсир нима билан боғлиқ бўлганлигини чуқур ва конкрет кўрсатиб беришлари лозим.

* * *

Маркс коммунистларга «динга қарши ёндирувчи нутқлар»ни тақашларга ўз муносабати тўғрисида «Чикаго трибюн» газетасининг махсус мухбири саволига жавоб бериб, бундай деган эди: «Динга қарши зўравонлик чоралари бемаъни эканлигини биз биламиз; аммо бизнинг фикримиз мана бундай: социализм қай даражада ривожланадиган бўлса, дин ҳам шу даражада **йўқола боради**. Унинг йўқолиши ижтимоий тараққиёт натижасида рўй беради, бунда тарбия жуда катта роль ўйнайди». Атеистик тарбия — КПСС изчил олиб бораётган, собитқадам ғоявий-тарбиявий ишнинг таркибий қисмидир. Бунда партиямиз совет кишиларида илмий дунёқарашни ва фаол гражданлик позициясини шакллантиришга эришмоқда.

Баъзан, нега биз ғалаба қозонган социализм шароитларида ҳам, динга қарши илгаригидек актив курашни давом эттираётирмиз, деган савол туғилади. Бу кураш умуман керакми? Ахир, ҳозирги динга ишонувчиларнинг асосий кўпчилиги янги ҳаётга жалб этилган ва уларнинг аксарияти социалистик Ватан фаровонлиги йўлида ғайрат билан меҳнат қилишда атеист ва динга ишонмайдиганлардан қолишмайдилар-ку.

Бундай саволнинг қўйилиши жуда табиий. Ва у кўп даражада бизнинг атеистик пропагандамизнинг самарадорлиги етарли эмаслиги билан боғлангандир. Мамлакатнинг баъзи жойларида аҳолининг диндорлиги ўсиш ҳоллари борлиги сир эмас. Бунинг устига мазкур ҳолат фақат ижтимоий ишлаб чиқаришга доимий равишда жалб этилмаганлар орасидагина эмас, балки ёшлар орасида ҳам кўзга ташланади. Диндорлик даражаси маълумот даражаси билан бевосита боғлиқ, деган илгариги тасаввур дангалчиликдан иборат бўлганлиги ҳозир яққол кўриниб қолди. Зиёлилар (шу жумладан, ўқитувчилар) вакиллари динга аралашиб юрган ҳолатлар учраб турибди, айрим олий маълумотли (ва катта илмий даражага эга) кишилар ҳар қанақанги оккульт (дуохонлик, азаймихонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимотнинг умумий номи) «илмлар» билан қизиқиб юрибдилар. Динни сарқит, воқелик, деб эълон қилиш билан бирга, биз динга ишонувчиларнинг аксарияти совет даврида туғилиб ва атеистик муҳит шароитларида тарбия топганликлари ҳусусидаги кўриниб турган фактдан шунчаки қўл силтай олмаймиз.

Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа фактлар **атеистик пропаганда системасини тубдан қайта қуриш** зарурати етилганини рўй-рост кўрсатиб турибди. Биринчи навбатдаги вазифалар ва шундай қайта қуриш муносабати билан пайдо бўладиган ва идеология иши олдига қўйилаётган ҳозирги талаблар даражасида ўз вақтида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг фақат айрим энг муҳим жиҳатларига диққатни жалб этамиз.

Дунёдаги динларнинг қарор топиши ва ёйилиши тарихи кўздан кечирилар экан,

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИЧА ҚУРАЙЛИК

(Давоми. Бо́ши биринчи ва иккинчи betларда).

ва рассомлик институтида мана шу фандан битириш имтиҳонларида «икки» ва «уч» баҳолар сони 50 процентдан ошиб кетди. Олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари студентларнинг дунёқарашини шакллантиришга, мана шу фанлар бўйича ўқув жараёнини, тегишли кафедралар иши устидан контролликни йўлга қўйишга нисбатан талабчанликни сусайтириб юбордилар.

Ижтимоий фанларни ўқитиш, марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш даражаси кафедрадаги илмий, методик ишларнинг аҳволига, кафедрадаги маънавий-психологик муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кафедранинг ҳар бир ўқитувчиси ва бутун коллективи ўқитишнинг янги-янги форма ва методларини, расмиятчилик ва қуруқ назарийлаштиришга барҳам бериш йўлларини, марксча-ленинча назария асосий қоидаларининг ҳар бир киши ҳаётидаги конкрет масалалар билан, шаҳар, республика, мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш йўлларини кидириб топиши зарур.

Олий ўқув юрти ихтисосини ҳисобга олган ҳолда бўлажак мутахассислар дунёқарашини шакллантириш учун ижтимоий фанлар кафедралари масъулиятини ошириш, зарурлигига алоҳида эътиборни жалб этишни истардик. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг янги форма ва методлари ҳозирча йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст жорий этилмоқда. Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти, Тошкент давлат университетининг жамиятшунослик фанлари кафедралари бу ишда ўзлари етакчилик қилмаяптилар.

Ижтимоий фанларни ўқитишни қайта қуриш масалаларини ҳал этаётганда социология соҳасида, айниқса, унинг амалий жиҳатлари соҳасида жамиятшуносларни яна ҳам пухтароқ тайёрлаш тўғрисида ўйлаб кўрмоқ керак. Республикада «Амалий социология» ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлай бошлаш масаласини кўриб чиқиш зарур, чунки бутун бошқарув ва хўжалик юритиш системасини қайта қуриш барча ишлаб чиқариш коллективларида ва жамоат ташкилотларида социология хизматини ривожлантиришни тақозо этади.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш олий мактаб, аввало, ижтимоий фанлар кафедралари ишининг энг муҳим йўналишидир. Ректоратлар, партия, комсомол ташкилотлари, ижтимоий фанлар кафедралари тарбиявий ишларга комплекс ёндашувлари, ғоявий чиниқтиришга, тарбиянинг меҳнат, ахлоқий, ватанпарварлик ва интернационал жиҳатларига эътибор беришлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам заруردир.

Коммунистик руҳда тарбиялашнинг ўзаги бўлмиш меҳнат тарбиясини олиб кўрайлик. Кўпгина олий ўқув юртларида меҳнат тарбияси студентларнинг пахта йиғимтерими кампаниясида ва студентлар қурилиш отрядларида иштирокидан иборат бўлиб қолмоқда. «Меҳнатга онгли муносабат», «Мамлакат соҳиби туйғуси» каби тушунчаларни кўп студентлар қандайдир мавҳум тушунча, деб биладилар. Олий ўқув юртлари даргоҳида бурч, ахлоқ, виждон ва қадр-қиммат ҳақида кўп гапирилади.

Студентлар орасида мешчанлик кўринишлари, молпарастлик, чинакам маънавий қадриятларга нисбатан пассивлик, жаҳон, рус ва ҳатто миллий маданиятга бефарқ қараш, музика маданияти, санъатнинг энг оддий асосларини билмаслик ҳоллари ташвиш туғдирмоқда. Студентлар ўртасида ҳуқуқни бузиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳоллари ва бошқа салбий ҳодисалар катта ташвишга соляпти. Олий ўқув юртидаги бутун муҳит маънавий софлик, билимга, маданиятга юксак даражада интилиш билан йўғрилган бўлиши керак. Ўқитувчиларнинг ўзлари — ёшларнинг мураббийлари бу соҳада намуна бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, республика маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларида тарихий ўтмишни идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан ҳал этилган, чекиниш халқ оммасини миллий ғурур предметига нисбатан чалкаш изга солганлиги ва бу билан ватанпарварлик ҳамда интернационал тарбия ишига катта зарар етказганлиги қайд этилди.

Аллақачонлар унутилиб кетган реакцион урф-одатлар ва анъаналарнинг, баъзан эса халқ урф-одатлари деб талқин қилинаётган бундай урф-одатлар ва анъаналарнинг тиқланиши ҳам интернационал тарбия ишига тўсқинлик қилди.

Олий ўқув юртларида кенг тус олган юртдошлик ва уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, қардошлик ва дўстлик руҳининг чинакам қарор топишига ёрдам бермади. Фақат кафедраларгагина эмас, балки студентларнинг ётоқхоналарига ҳам ана шундай белгиларга қараб қабул қилинди. Жамиятимизга ёт бўлган бундай ёндашувларни қатъият билан тугатиш керак.

Олий ўқув юртларидаги бутун таълим ва тарбия жараёнини студентларда пролетар, социалистик интернационализм туйғусини, СССР, иттифоқдош республикалар халқларининг қардошлиги теран туйғуларини тарбиялашга қаратиш талаб қилинади. Олий ўқув юрти йигит ва қизларда миллатчилик ва шовинизм кўринишларига нисбатан мурosасизликни тарбиялаши, уларга совет ватанпарварлиги туйғуларини сингдириши лозим, дейилди докладда.

Интернационал, ватанпарварлик, меҳнат тарбиясида ёшларнинг рус тилини ўрганишлари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирча кўпгина олий ўқув юртларида бу масала ёмон ҳал этиляпти.

Студентларнинг ўзини-ўзи бошқарувини ҳар томонлама ривожлантиришда студент-ёшлар маънавий камолоти, уларда актив ҳаётий позицияни тарбиялашнинг улкан резервлари мавжуд. Ҳозир бизнинг студентларимиз камида ўнлаб жамоат ташкилотлари «назорати» остида турибди. Бу эса ёшларда тайёрга айёрлик кайфиятини келтириб чиқармоқда, ғўрликнинг сақланиб қолишига кўмаклашмоқда. Бунинг оқибатида кўпгина тарбиявий тадбирлар студентларимизнинг туйғуларига таъсир этмаяпти. Ётоқхоналарда турмуш бир хилда зерикарли ўтмоқда.

Партия ташкилотлари, ректоратлар, деканатлар, кафедралар ўз-ўзини бошқариш қўниқмаларини, демократик ҳуқуқлардан фойдаланишни, ташаббускорликдан қўрқмасликни, қолоқликка қарши дадил, ўйлаб ўтирмай кураш олиб боришни тўла ўрганишда олий ўқув юрти комсомолига ёрдам беришлари керак. Комсомол турмуш ва дам олишни ташкил этиш ишини тўла ўз қўлига олиб, чинакам билим учун, соғлом турмуш тарзи нормалари ва анъаналари қарор топиши учун, истеъмолчилик интилишларини, обивателларга хос хулқ-атворларни бартараф этиш учун курашга бошчилик қилишлари лозим.

Студент-ёшларнинг марксча-ленинча тайёргарлик даражасини ошириш, ижтимоий фанлар кафедралари ишини такомиллаштириш партиявий раҳбарлик сифатига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлиб, кадрлар билан ишлаш унинг асосий вазифасидир.

Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг асосий кўпчилиги билимдон мутахассислар бўлиб, улар ўз бурчларини ҳалол бажармоқдалар, фаол жамоат иши олиб бормоқдалар, ёшларга намуна бўлмоқдалар.

Тошкент давлат университетининг профессор Л. В. Гентшке бошчилигидаги КПСС тарихи кафедраси, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг профессор Н. А. Хан бошчилигидаги сиёсий иқтисод кафедраси, Қарши педагогика институтининг профессор А. Жўрақулов бошчилик қилаётган КПСС тарихи кафедраси, Низомий номли Тошкент педагогика институтининг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ж. Тўленов мудирлик қилаётган философия кафедраси коллективлари ва бошқа коллективлар мунтазам ижодий изланишда бўлмоқдалар.

Шу билан бирга бир қанча кафедраларда профессионал лаёқатсизлик сақланиб қолмоқда. Кўпгина жамиятшунослар йиллар давомида ўз назарий ва профессионал савиясини оширмайдилар. Масалан, Тошкент медицина институтида учта кафедра мудири лекциялар савиясининг пастлиги, таълимни ташкил этишдаги уқувсизлиги учун муддатидан олдин уларнинг ўрнига бошқалар сайланди. Жамиятшунос ўқитувчиларнинг кўп қисми илмий тадқиқотлар билан дуруст шуғулланмаяпти. Диссертация ёқлагандан кейин фандан четлашиб қолган, олим сифатида ҳеч қандай самара бермаётган одамлар ҳам кам эмас. Бу гаплар Тошкент университетининг профессор А. Ҳамидхўжаев бошчилигидаги ва Нукус университетининг Б. А. Шамамбетов бошчилигидаги КПСС тарихи кафедраларининг кўпгина аъзоларига алоқадор.

Жамиятшунос олимларнинг ярми, аниқса, илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод ўқитувчилари базавий, махсус университет маълумотига эга эмаслиги ғоят ташвишланарлидир.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги истиқболни кўзлаб, ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини оширишнинг комплекс программасини аллақачон ишлаб чиқиши лозим эди.

Илмий-педагог ўринбосарлар тайёрлаш иши ҳам яхши эмас. Ҳолбуки, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, олий ўқув юртига эга бўлган министрликлар ва идоралар бу проблемани ҳал этишда бир четдан туриб кузатувчилар позициясини эгалладилар. Бунинг устига Тошкент университетида жамиятшуносларни тайёрлаш йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Аспирантура жуда самарасиз ишлаяпти. Республика Фанлар академиясининг илмий муассасаларида беш йил ичида 261 киши аспирантурани битириб чиқди, шундан атиги 23 киши ўз вақтида диссертация ёқлади. Ана шу даврда Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бўйича аспирантурани битириб чиққан 250 кишидан атиги 35 киши муддатида диссертация ёқлади.

Қариндошлилигига, шахсий садоқатига, таниш-билишчилигига қараб аспирантурага қабул қилишдек нотўғри практика шу вақтга қадар тугатилган эмас. Академия институтларида ўқишни кейинги 5 йил ичида тамомлаган аспирантларнинг 80 процентдан кўпроғи илмий, ижодкор зиёлиларнинг, хизматчиларнинг фарзандларидир. Аспирантурага қабул қилинганларнинг 15 процентигина олий ўқув юртларини аъло баҳо билан битирган.

Республика Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, Госплан жамиятшунос кадрлар тайёрлашни планлаштириш ва унинг сифати масалаларини конкрет ўрганиб чиқишлари керак.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги жамиятшунос кадрларни оқилона тайёрлаш ва тақсимлашни шу вақтгача ташкил эта олмади. Абитуриентларни областдан қабул қилиш мавжуд, лекин жамиятшуносларни областларга тақсимлаш мавжуд эмас. Олий жамиятшунослик маълумотига эга бўлган мутахассисларнинг техника ёки табииёт соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларида лаборант бўлиб ишлаши ёки турли министрликлар ва идораларда техник ходимлар бўлиб ишлаётганлиги фактлари оз эмас. Республика учун мамлакат марказий олий ўқув юртларида аниқ мақсадни кўзлаб тайёрланган мутахассиси бўз касбига алоқаси бўлмаган, дуч келган лавозимларда ишламоқдалар.

Партия комитетлари, Госплан, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, олий ўқув юртларининг ректоратлари мана шу барча масалаларни чуқур ўрганишлари керак.

Олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари профессор-ўқитувчилар составининг ғоявий-сиёсий ишларга оид масалаларни ҳамиша диққат марказида тутишлари, айниқса, жамиятшунос кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни диққат билан қараб чиқишлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни актив ривожлантиришлари зарур. Ҳолбуки, группабозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ҳоллари кам эмас. Масалан, Фанлар академияси системасида Пўлатовларнинг бутун оиласи аслида битта муассасада ишламоқда. Отаси — философия кафедрасининг мудири, ўғли эса худди шу кафедрада катта ўқитувчи бўлиб ишлайди, бу кафедра бўйсунадиган философия ва ҳуқуқ институтида унинг жияни ишлайди, мазкур институт аспирантурасида эса қизи ўқийди.

Партия комитетлари, олий ўқув юртларини бошқариш органлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, улардан фойдаланиш ва тарбиялаш ишларини тубдан яхшилашлари лозим.

Ижтимоий фанлар кафедралари фаолиятининг самарадорлигини оширишда партия комитетларининг имкониятлари катта. Ҳозирча бу кафедраларга партиявий раҳбарлик даражаси қайта қуриш талабларига тўла мос келмайди. Кўпгина партия комитетлари ижтимоий фанлар кафедралари, улардаги партия ташкилотлари ишининг аҳволини йиллар давомида бирор марта ҳам таҳлил қилмайдилар. Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида бошқалар қатори Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳам танқид қилинди. Бу ерда партия комитетларида студентларнинг марксча-ленинча тайёргарликлари узоқ муддат давомида муҳокама қилинмаган. Сўнгги беш йил ичида бу масалаларни Самарқанд, Андижон, Фарғона шаҳар партия комитетлари бирор марта ҳам муҳокама қилмадилар.

Олий ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш олий мактабга партиявий раҳбарликни яхшилашда жуда катта аҳамиятга эга, бошланғич партия ташкилотлари олий мактаб қайта қурилишининг бутун боришини контрол қилишлари, ошкоралик, олий ўқув юртлари ҳаётида демократик асослар кенгайтирилишини таъминлашлари, жамоат ташкилотлари ролини оширишлари, олий ўқув юртлари барча илмий-педагог кадрларининг марксча-ленинча тайёргарлиги яхшиланишига эришишлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг ролини оширишлари керак.

Илмий-назарий тафаккурни активлаштириш, уни амалиётнинг конкрет эҳтиёжлари билан боғлаш, олий ўқув юртини битириб чиқадиган ҳар бир одам жадаллаштириш йўлини амалга оширишнинг актив қатнашчиси, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун қайта қуришнинг онгли курашчисига айланиши учун унга мустаҳкам ғоявий-назарий билим бериш бугунги кунда ҳар бир жамиятшуносниинг, республикадаги барча институтлар ва университетларнинг энг муҳим бурчидир, деди пировардида докладчи.

Музокараларда Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри М. С. Салоҳиддинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори Ҳ. Т. Турсунов, республика маориф министри О. С. Аббосова, тарих фанлари доктори профессор Б. В. Лунин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг кафедра мудири В. М. Бикрицкий, Андижон медицина институтининг профессори К. М. Наринский, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори Б. Ғ. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Ланцов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Ҳ. А. Алимова, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ғ. З. Заҳриддинов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков ўртоқлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

КИТОБЧА НАШР ЭТИЛДИ

«Новости» матбуот агентлиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 10 октябрда Рейкьявик аэропортида ва 12 октябрь куни Рейкьявикда ўтказилган матбуот конференциясида матбуот вакиллари ҳузурида берган баёнотларидан, М. С. Горбачевнинг 1986 йил 14 ва 22 октябрь кунлари Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқларидан олинган парчалардан иборат «Рейкьявик. Ҳужжатлар ва материаллар» китобчасини босмадан чиқарди. Китобчага КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг 1986 йил 5 ноябрда Венадаги учрашувида ҳамда 1986 йил 10 ноябрь куни Москвада ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқларидан ҳам парчалар киритилган.

СССР ва АҚШ ташқи ишлар министрларига ядровий қуролсизланиш соҳасидаги битимларга тайёргарлик тўғрисидаги директиваларнинг совет лойиҳаси ҳамда СССР ва АҚШ стратегик ҳужум қуролларининг миқдори тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Рейкьявикда АҚШ президентига топшириш маълумотлар илк бор эълон қилинмоқда.

Китобча инглиз, француз, немис ва испан тилларида нашр этилди.

(ТАСС).

Кузьма Кузьмич КУРОЧКИН

Пахтачилик соҳасидаги катта мутахассис, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Кузьма Кузьмич Курочкин 85 ёшида вафот этди.

К. К. Курочкин 1902 йилда Воронеж областидаги Бутурлиновка шаҳрида туғилди. 1929 йилда Қозон қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик институтини битиргандан кейин Ўзбекистонга ишга юборилди. 1930 йилдан 1951 йилга қадар Тошкент областидаги Ўзбекистон ССР бешбўлак йиллиги номли, «Далварзин», Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ» совхозларида катта агроном, бош агроном бўлиб ишлади. У совхозларни ташкил этишда, республикада пахтачиликни ривожлантиришнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этди.

1951—1984 йилларда Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ва Қишлоқ хўжалиги министрлигида пахтачилик бўйича бош агроном, пахтачилик ва бошқа техника экинлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. К. К. Курочкин республика қишлоқ хўжалиги органларида ишлаган 44 йил давомида пахтачиликни юксалтиришга, фан ютуқлари ва илғор тажрибани тармоқда жорий этишга катта ҳисса қўшди. У бутун куч ва билимини, катта ишлаб чиқариш тажрибасини колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришга сарфлади. Фидокорона меҳнати, ишга ижодий ёндашуви билан пахтакорлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари орасида чуқур ҳурмат ва обрўга сазовор бўлди. Унинг маслаҳатлари ва тавсиялари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилди.

К. К. Курочкин меҳнатдаги хизматлари учун Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган эди.

Истеъдодли ва принципиал мутахассис, ажойиб инсон Кузьма Кузьмич Курочкиннинг хотираси уни билган кишиларнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

• ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ПЕКИН, 16 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, бугун Пекинда ўн иккинчи чақириқ ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Эълон этилган ахборотда айтиладики, мажлисда ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ху Яобан шу лавозимда турган даврида партияга коллектив раҳбарлик принципини бузиб, муҳим, сиёсий принципиал масалаларда йўл қўйган хатолари муносабати билан ўзини-ўзи танқид қилиб гапирган. У ХКП Марказий Комитетига мурожаат этиб, ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари вазифасидан озод этилишини илтимос қилган. Мажлис қатнашчилари, дейилади ахборотда, Ху Яобанни «ўртоқларча жиддий танқид» қилдилар ва айни пайтда унинг шу лавозимдаги хизматларини қайд этдилар.

ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кенгайтирилган мажлиси Ху Яобаннинг илтимосини қондириб, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжао Цзиянни бир овоздан ХКП Марказий Комитети Бош секретари вазифасини ижро этувчи қилиб сайлади. Бу қарорлар ХКП Марказий Комитети пленумига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ахборотда Ху Яобан ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси бўлиб қолганлиги ҳам айтилган.

ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кенгайтирилган мажлиси, дейилади ҳужжатда, партияни ХХР ички ва ташқи сиёсатига доир сиёсий йўлни, принципларни ва сиёсий кўрсатмаларни амалга ошириб бораверишга даъват этди. Бу лар ХКП Марказий Комитети 1978 йилда бўлиб ўтган ўн биринчи чақириқ ХКП Марказий Комитети 3-пленумидан бери ишлаб чиқкан эди.

АДРда ўт очиш тўхтатилгандан кейинги биринчи кун

КОБУЛ, 16 январь. **ТАСС мухбири Олег Кузьмин хабар қилади:** Афғонистон вилоят ва уезд марказларининг, юзлаб қишлоқларнинг ўн минглаб аҳолиси Афғонистон раҳбарлари эълон қилган ўт очишни тўхтатишнинг биринчи кунини умумхалқ байрами тарзида нишонладилар.

Истисносиз ҳамма митингларда тинчлик — энг олий қадрият эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги пайтда АХДП билан АДР ҳукумати ўтказаётган миллий яраш сиёсати, қарашлари ва эътиқодларидан қатъи назар, барча афғонларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Нуристонликлар қабила бошлиқлари ва оқсоқолларининг Кобулда бўлиб ўтган жирғаси қатнашчилари миллий яраш жараёнига кўмаклашиш — ҳар бир афғон ватанпарварининг бурчи эканини айтдилар. Жирғада Ғарбий ва Шарқий Нуристон районларида ярашни аниқ-равшан амалга оширишга оид тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАР НИГОҲИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 16 январь. (ТАСС). Бугун Хельсинкидаги Совет маданияти ва фани уйида «Совет Ўзбекистони фин фото усталарининг нигоҳи билан» деган фотовиставка очилди. Виставкани шу совет маданият маркази билан «Техникан мааилма» («Техника дунёси») журнали ташкил этди.

Виставкани ташкил этишдан олдин бундай қизиқ воқеа бўлган эди: 34 фин фотожурналисти «Финнсовтурс» туристик фирмаси йўли билан Ўзбекистонга борган эди. Ижодий сафар самарали бўлди. Шу Совет республикаси аҳолисининг ҳаёти ва меҳнати тўғрисида, уларнинг дам олиши ҳақида фотосуратлар пайдо бўлди.

Таниқли фин фотографи Райнер Лампинен фотосуратларни яхшилаб саралади. Ҳозир шулардан 70 га яқини виставкада кўрсатилмоқда.

Р. Лампинен 1985 йил ноябрида Совет маданияти ва фани уйида «Афсонавий Самарқанд» фотовиставкасини намойиш этган ва у зўр муваффақият қозонган эди.

Хельсинкидаги Совет маданияти ва фани уйини мамлакатда кўпчилик билади. Шу йил март ойида унинг очилганига ўн йил тўлади. У ривожланган капиталистик мамлакатларда очилган ягона Совет маданий марказидир. Унинг бу йилги программасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги ва Финляндия давлат мустақиллигининг 70 йиллиги асосий мавзу қилиб олинган.

бу динлар бир-бирига унчалар ўхшамаган мамлакатлар ва қитъалардаги кўп миллионли омма қалби ва онгини қандай қилиб ҳамда қанақанги йўллар билан забт этишга муваффақ бўлганлиги устида ўйламаслик мумкин эмас. Бу динлар эса янги-янги маънавий территорияларни ўзлаштиришни давом эттирмоқдалар. Масалан, ислом динининг мухлислари аҳолининг табиий кўпайиши натижасидагина эмас, балки катта миқдордаги янгидан жалб қилинаётганлар (ислом фақат Шарқ қитъасига хос бўлиб қолаётгани йўқ) ҳисобига ҳам кўпаймоқда. Бунга у қандай қилиб эришмоқда? Бу ўринда кўпгина ўзаро боғланган сабаблар ва шароитларни кўрсатиб ўтиш мумкин эди. Шулардан фақат биттасини, эҳтимол муҳимини кўрсатиб ўтамиз. Бу исломнинг маънавий шакл ва либосини ўзгартириш қобилияти, маҳаллий маънавий эҳтиёжлар ва орзу-умидларга мослашиш ҳамда кейинчалик ана шу эҳтиёж ва орзу-умидларни ўз мақсадларига бўйсундира билишидир.

Исломнинг маҳаллий миллий анъаналар билан чирмашиб кетиши манбаларини, жумладан, шундан қидириш керак эмасмикан? Бунинг устига маданий анъаналар ва миллий урф-одатларнинг ўзигина исломлаштирилиб қолмаётир; мусулмонлик, шунингдек ҳаёт тарзи структурасига чуқур кириб бориб, ўз мухлислари кундалик турмушининг том маъноси билан ҳамма томонларини қамраб олган.

Динни бартараф этиш йўлида турган ўзига хос, кўпинча етарли баҳо берилмаётган қийинчиликлар ана шундандир. Уларни лозим даражада англаб етиш учун танқид қилинадиган объектни яхши билиш керак. В. И. Ленин маслаҳат берганидек, дин тарихи бўйича атеизм тарихига доир материаллар, шунингдек, диний ташкилотларнинг ҳукмрон синфлар билан (хусусан черковнинг буржуазия билан) алоқалари обзор қилинган фундаментал илмий асарлар керак. Партиявийлик принципи позицияларида туриб ўтказилган ана шундай илмий тадқиқотлар базасидагина миллийликни динийликдан, дунёвий маросимларни хурофий маросимлардан, халқ удумларини черков удумларидан аниқ фарқ қилиш мумкин бўлади. Бу, жумладан, КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида айтилган янги совет маросимлари ва одатларини кенг ёйиш вазифасини бажаришни енгиллаштиради.

* * *

Марксизм дин «дунёвий чекланганлик»нинг сабаби эмас, балки оқибати эканлигини исботлаб берди. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин динга қарши курашда мавҳум — идеологик пропаганда билан чекланмасликка чақирган эди. Владимир Ильич бу курашни конкрет ижтимоий практика билан мустаҳкам боғлашни, диннинг социал илдизларини бартараф этишдек асосий мақсадни кўзлашни талаб қилган эди. Бизнинг жамиятда диннинг социал илдизлари аллақачон узил-кесил қўпориб ташланган, лекин ҳали социал шароитлар сақланиб қолганки, улар унинг нафақат кишилар онгига кириб кетган расм-русумлар ва маросимлар формасида балки дунёқараш — қадрият дастури сифатида ҳам сақланиб қолишига кўмаклашиши (амалда кўмаклашаяпти ҳам) мумкин. Бироқ, бу шарт-шароитлар ҳамма вақт ҳам юзада ётавермайди.

Масалан, аёлларнинг диндорлиги проблемасини олиб кўрайлик. Биринчи қарашда Ўрта Осиё аёлларига исломнинг нисбатан катта таъсир ўтказишининг биринчи сабаби улар ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига бошқаларга қараганда камроқ жалб этилганлигида кўринади, аммо бунинг ортида бутун бир омиллар занжири яширинib ётибди. Чунончи, ишлаб чиқаришга жалб этилмаганларнинг катта процентини кўп болали оналар ташкил этади. Ҳолбуки, болалар боғчалари ва яслилари тармоғининг кенгайтирилиши ҳали проблемани ҳал этмаётир, зотан бошқа, бундан ҳам ўткирроқ масала турибди. Мен болаларнинг нобуд бўлиши проблемасини кўзда тутмоқдаманки, бу жиҳат Ўрта Осиё республикаларида, хусусан, медицина хизмати миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам анча орқада қолаётган қишлоқ районларида ҳали ҳам юқоридир.

Агар шу айтилганларга инсон мавжудлигининг пировард шароитлари деб аталувчи нарсалар (туғилиш, ўлиш, ҳаёт фожиалари) аввал бошданоқ дин алоҳида эътибор бериб келган нарсалар бўлганлиги қўшилса, у ҳолда юқорида тилга олинган омиллар аёллар диндорлигининг ўсишида анчагина роль ўйнаши яққол кўринади. Зотан, В. И. Ленин кўрсатганидек, динда сезги, «...**амалий** томон, яхшироқ нарсани, ҳимояни, ёрдамни қидириш ғоят муҳимдир». (Тўла асарлар тўплами, 29-том, 54-бет). Пенсионерлар (собиқ атеистлар!)нинг дин паноҳига қайтаётганликлари фактини ҳам ҳойнаҳой, бизнинг ана шу нарсага айни етарли баҳо бермаётганлигимизда, деб тушунтириш керак. Бундай «қайта қўшилиш самараси»нинг манбаи ички (индивидуал оилавий ва бошқа шунга ўхшаш кечинмалар ва мушкулликлар) сабабларгина эмас, балки ташқи (мазкур шахс илгари ориентир оладиган социал қадриятларнинг қадрсизланиши) сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Замонимиз бадиий адабиёти бу ҳақда гапира бошлади. Жуда ҳам тарқалиб кетган ва анча илгари пайқалган маънавиятсизлик деб аталган социал касалликнинг миқёслари ва оқибатлари тўғрисида жуда ҳам кескин фалсафий-бадиий фикрлаш бормоқда. Янада умумийроқ планда олганда гап социалиқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётнинг принцип жиҳатдан янги босқичига ўтган совет жамиятининг ахлоқий ҳолати тўғрисида бормоқда. Бу босқичнинг тарихий аҳамияти жадаллаштириш концепцияси доирасида ҳар томонлама асослаб берилган.

Атеизм ва ахлоқнинг ўзаро муносабатларини чуқур таҳлил этиш зарурати пишиб етилганлиги ҳам ана шундан келиб чиқади. Ахлоқийлик манбаи масаласи бўйича мунозаралар ахлоқийликнинг динга муносабати масаласида, дунёқараш — қадрият маъносида бу принципиал масалани тушунишда очиқ намоён бўлиб турган назарий чалкашлик борлигини кўрсатди. Бу чалкашликнинг манбаи классик атеизмнинг марксизм томонидан аллақачон бартараф этилган дилеммаси (олдин нима пайдо бўлган — ахлоқми ёки дин) га бориб тақалади.

Шу муносабат билан бизнинг фалсафа фанимиз янги проблемаларни ўз вақтида қўйишдагина эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа соҳаларида аллақачон белгилаб қўйилган ва дунёқараш жиҳатидан актуал аҳамиятга молик масалаларни англаб етишда маълум даражада журъатсизлик қилаётганини ҳам қайд этмаслик мумкин эмас. Ҳар ҳолда, маданиятнинг марксистик социологиясида инсониятнинг социал ва маънавий ривожланишида дин ва атеизмнинг ўзаро муносабатдорлик роли хусусида жиддий системали тадқиқотлар ҳозирча йўқ.

Атеистик танқид аввал бошданоқ бир бутун характерга эга бўлиши керак: динни ва у тарғиб қиладиган қадрият ҳамда идеалларни фош этишни динга ишонувчиларда атеистик тасаввурларни шакллантириш, кейинчалик эса уларни қатъий эътиқодга айлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Атеистик пропаганда маданияти савиясини кескин ошириш бу вазифани самарали ҳал этишнинг зарур шартидир. Шу вақтгача биз асосан лекцияларнинг мазмуни тўғрисида қайғуриб келдик ва кўпинча уларнинг формасини эсдан чиқариб қўйдик. Бу ерда гап фақат нотиқлик санъати, илмий атеистик далилларни тингловчи онгига тушунарли, эмоционал жиҳатдан ёрқин етказиб бериш, кишининг шахсияти, эътиқодини ҳурматлаш ва ҳоказолар тўғрисидагина бораётгани йўқ. Жуда муҳим ҳисобланган форма — бу, лекторнинг обрўси ҳамдирки, у айтиш мумкинки, нотиқ сўзининг ахлоқий қимматини белгилайди, ахир у шунчаки ишонтирибгина қолмай, балки таъсир ҳам кўрсатиши керак, акс ҳолда кутилган идеологик самарага эришилмайди.

Бу ўринда кўп нарса «Билим» жамияти фаолиятига боғлиқдир. Илмий билимлар пропагандасини атеизм пропагандаси билан янада яқиндан боғлаш зарур. Атеистик пропагандага эса фан ва маданият соҳасининг йирик, обрўли арбобларини — халқнинг иззат-икромига сазовор бўлган кишиларни жалб этиш зарур.

Ҳозир коммунистик тарбия вазифаларини ҳал этишга комплекс ёндашиш зарурлиги яхши англаб етилган. Ғоявий-тарбиявий ва пропагандистик ишлар барча бўғинларини пухта мувофиқлаштиргандагина ишда муваффақиятга эришишдан умид қилиш мумкин. Чунончи, тарбиянинг бошқа кўринишлари ва формалари — меҳнат, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ватанпарварлик ва интернационал тарбия билан атеистик тарбия қанчалик узвий боғланса, у шунчалик муваффақиятли олиб борилади. Шу ўринда атеистик тарбиянинг интернационал тарбия билан ички боғланишига эътиборни жалб этишни хоҳлардим. Ислом азалдан тарқалган районларда социалистик қурилиш тажрибаси шундан далолат беradики, мусулмон динига мансублик динга ишонувчилар онгида кўпинча уларнинг мазкур этник маданият бирлигига мансублиги билан бирлашиб кетган. Диндорлик ва миллий чекланганликнинг, миллий эгоизмнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам шундан келиб чиқади. Ҳозир биз икки янги омилни — ички (илгари йиғноқ бўлган миллий муҳитда ғайримиллий элементларнинг объектив равишда ўсиши) ва ташқи (клерикал антикоммунизм ва антисоветизмнинг ана шу фактни миллатлараро адоват ўтини ёқиш учун фойдаланишга интилиши, миллатчилик хурофотларининг жонланиши, буржуа миллатчилигининг баъзан диний либосга ўраниб олишга уриниши) омилларни ҳисобга олишимиз керак. Партия миллий муносабатларни ривожлантиришда етилган объектив тенденцияларга сунъий равишда бирон бир туртки беришга ҳам, бу тенденцияларни тўхтатиб қўйишга ҳам йўл қўйиб бўлмаслигини огоҳлантириб келмоқда.

Миллатлараро муом

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Республика Савдо-саноат палатаси СССРнинг чет эллар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга муайян ҳисса қўшмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири Машхура МИРЗАМУҲАМЕДОВА Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси президиуми раиси ўринбосари Ҳамид Ҳакимович ҲАКИМОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Совет турмуш тарзини, республикамизнинг Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган ютуқларини пропаганда қилиш соҳасида Савдо-саноат палатаси қандай иш олиб бормоқда?

— КПССнинг XXVII съезди СССРнинг чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларини янада тараққий эттириш тўғрисида берган кўрсатма бизга катта дастур бўлмоқда. Республика Савдо-саноат палатаси чет эллардаги халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларда Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш, Тошкент шаҳрида чет эл кўргазмалари ва илмий-техника симпозиумларини ташкил этиш ва ўтказишда муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йили республикамиз Португалиянинг Лиссабон шаҳридаги халқаро ярмаркада муносиб қатнашди. Ана шу кўргазмада бизга ажратилган бўлимни тайёрлашда республика Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, «Ўзбектекстильмаш» заводи ва бошқа ташкилотлар иштирок этишди. Кўргазмага қўйилган экспозицияларнинг ғоявий йўналишига, СССРда ленинча миллий сиёсат қандай ҳал этилганлигини республикамиз мисолида кўрсатишга алоҳида эътибор бердик.

Ўзбекистон ССРнинг халқаро ярмаркаларда совет экспозициялари составида қатнашуви экономика, фан, маданият ва техника соҳасида, совет халқи фаровонлигини кўтариш борасида эришаётган ютуқларимизни, Советлар мамлакатининг тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун тинимсиз курашини кўрсатиб бераётган муҳим восита бўлмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни муҳим вазифа қилиб қўйди. Ҳар бир корхона, ҳар бир соҳани, бутун халқ хўжалигини тараққиётнинг интенсив йўлига ўтказиш зарурати кун тартибида турибди. Илмий-техника тараққиётини қайта қуриш ва жадаллаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг асосий омилларидандир. Партия белгилаётган ана шу кенг миқёсдаги вазифаларни ҳал этишда чет мамлакатлар билан савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик имкониятларидан янада унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили Тошкентда республиканинг манфаатдор министрликлари ва идоралари розилиги билан палата ҳақиқий аъзоларининг илмий-техника мавзуларида симпозиум ва чет эл кўргазмалари ташкил этилди. Қурилишда ишлатиладиган геометрика ва бўёқларнинг янги турлари бўйича Данияннинг «Садолин» фирмаси, ГДРнинг «Технокоммерц» ташқи савдо корхонасининг экспорт маҳсулотларни реклама қилиш ҳақидаги симпозиумлари, шунингдек, Швейцариянинг «Мораг» фирмасининг «Педиатрия, акушерлик ва гинекология», «Древоуния» ташқи савдо бирлашмасининг «Чехословакия мебеллари» кўргазмалари ана шулар жумласидандир.

Айниқса, ЧССР мебеллари кўргазмаси яхши самара берди. Мебелчи мутахассислар ўтказилган семинарларда мебель ишлаб чиқаришнинг янги технологияси, янги хил мебеллар ва мебелларни безатишда ишлатиладиган турли хил материалларни кўриш имкониятига эга бўлдилар. Чехословакиялик мутахассислар республика мебель саноати корхоналарида бўлиб, ўзбекистонлик мебелчилар билан суҳбатлашдилар ва тажриба алмашдилар. Бу йил республикамизга Чехословакиядан келтириладиган мебелларнинг хиллари тўғрисида келишиб олинди.

— Чет мамлакатлар билан савдо муносабатларини янада кенгайтириш соҳасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Республикамизда СССРнинг савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида иқтисодий алоқаларнинг янги формаларини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро савдо ва илмий-техникавий, савдо алоқаларининг Москвадаги марказида ўтган йил 20 ноябрдан 10 декабргача ўтказилган «Ўзбекистон ССР кунлари» бунинг ёрқин мисолидир. Бу ерда совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Миллий совға буюмлари, китоблар кўргазма-савдоси, фотокўргазма, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Республика санъат усталари иштирокида катта концерт программаси намойиш қилинди. Буларнинг ҳаммаси чет эллик мижозлар ва бу ерга ташриф буюрганларнинг Совет Ўзбекистони ютуқлари билан, унинг миллий анъаналари ва турмуши билан яқиндан танишишларига ёрдам берди. Шунингдек, бу ерда республиканинг товар-экспорт имкониятларини намойиш этувчи кўргазма ҳам уюштирилди. Бу тадбирлар яхши самара берди.

Бу йил Савдо-саноат палатаси республикамизда қатор чет эл кўргазмаларини ташкил этиш ва симпозиумларини ўтказишни, шунингдек, чет элларда Совет ҳокимияти йилларида ўлкамизнинг турли соҳаларда эришган ютуқларини намойиш қилувчи кўргазмалар ташкил этишни мўлжаллямоқда. Болгария Халқ Республикасининг «Балканкар» ташқи савдо бирлашмасининг фотокўргазмаси ҳамда Болгариянинг «Юк кўтариш ва транспорт воситалари» темасида симпозиуми, Германия Демократик Республикасининг «Косметика, маиший химия ва автокосметика», Венгрия Халқ Республикасининг «Медимпекс» фирмасининг «Дори-дармонлар» кўргазмасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шу йил охирида ва 1988 йил бошида Ҳиндистоннинг илмий-техника ютуқлари ва АҚШнинг «Ахборот ва алоқа воситалари» кўргазмаси уюштирилади.

Шу йил сентябрь ойида Будапешт шаҳрида ўтадиган халқаро ярмаркада совет экспозицияси составида Ўзбекистон ССРга алоҳида бўлим ажратилади.

Биз дўстлик ва ҳамкорлик йўлидаги ишларимиз кўлами, мазмунини бундан буён ҳам бойитаверамиз. Бу халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга, тинч-тотув яшаш ва тинчлик ишига хизмат қилади.

ЧАНҒИ СПОРТИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

ТОҒ СТАДИОНИДА

ЧИМЁН: («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали).

Чарақлаган қуёш, мусаффо ҳаво, момиқ қор. Чимённинг табиати ана шундай. Тоғ бағридаги Чимён спорт туристик комплекси меҳмонларни илиқ қаршиларди. Бир неча кундан буён ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Бугун чарақлаган қуёш атрофни munaввар этди. Халқаро мусобақа иштирокчилари тўпланган жойда ўзига хос байрамона кайфият ҳукмрон.

Мусобақа иштирокчилари саф тортадилар. Чанғичилар паради бошқарувчиси Л. Тегячев мусобақани бошлаш учун ҳамма нарса тахт экани ҳақида рапорт берди. Шундан кейин халқаро мусобақанинг ташкилот комитети раиси — Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитети раиси М. Иброҳимов меҳмонларни самимий табриклаб, қизғин баҳсларда уларга катта муваффақиятлар тилади.

Шундан кейин СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари янгради. Мамлакат чемпионлари Д. Аверин, Л. Кедрина ҳамда Ўзбекистон терма командасининг капитани А. Ғойибов мусобақа байроғини тантанали вазиятда кўтарадилар. Шу пайт тантанали маросимга йиғилганларнинг нигоҳи осмонга қадалди. Самода никита дельтопланчи СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқларини ҳилпиратган ҳолда парвоз қилардилар.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас «Катта Чимён» совғини учун халқаро мусобақа иштирокчилари — Болгария, Польша, Чехословакия, СССРнинг I ва II терма командалари, шунингдек Ўзбекистон терма командаси чанғичилари старт майдонига йўл оладилар. Дастлабки кун программасига мувофиқ, чанғичи йигитлар ўртасида махсус слалом мусобақалари бошланди. Мутахассислар Чимён бағрида юксак кўрсаткич юз бериши — мамлакат, қолаверса, халқаро рекордлар бўлишини кутмоқдалар.

Х. НОСИРОВ.

• *Ажаб савдолар*

ЖАРИМА

— Юрий Ғаниевич, нефть инспекцияси бизга 612 минг сўм жарима солибди.

Тошкент область матлубот жамиятининг автотранспорт бирлашмаси бошлиғи Ю. Хўжаев эксплуатация бўлими бошлиғи Ўринбосари Мирҳосил Умаровнинг бу гапини эшитиб, сесканиб кетди.

— Эртага инспекцияга борамиз, — юпатгандек бўлди Ю. Хўжаев. — Йигитларнинг гапга тушунадигани бордир.

Аксига олиб у ерда бундай киши топилмади. «Белгиланган нормадагидан кўп сарфлангандан кейин жарима тўлайсизлар-да», — дейишди лўнда қилиб.

Ю. Хўжаев у ёқ-бу ёққа бориб кўрди, «Ўзбекбирлашув» правлениесига чиқди, бўлмади. Ҳамма ерда бир хил жавоб эшитди. У бунчалик бўлишини билмаган, йўлини қилиб, амаллайиз деган хаёлда эди. Эндиликда қиғғир ишларнинг «йўлини» топиб бўлмаслигини, одамлар ўзгариб қолганини кўриб, талвасага тушди.

Ўтган йили автотранспорт бирлашмаси нормадан анча ортиқча бензин сарфлаб юборди. Бирлашма машиналарининг баки тўлмас ўпқонмидики, ҳадеб ёнилғи қуйилаверса?! Ахир норма, белгиланган мўлжал бор-қу! Ҳа, ҳаммаси бор! Лекин ғаз унга риоя қилишда қолган. Бу ерда турфа ишлар борки, кўриб ёқанги ушлайсан, киши.

Донолар масаланинг тагига етмоқчи бўлсанг, аввал кимга фойда, кимга зиёнлигини аниқлаб ол, дейишган. Биз ҳам бунга амал қилиб, ишни шофёрларнинг ўзбошимчалиги сабабини излашдан бошладик. Машинанинг уйда тургани, табиийки, шофёрга фойда. «Совутиб қўйилган от уйда тургандан кейин ишдан сўнг ёр-биродарни бориб кўрганга ёки кечки салқинда бирикки соат шабадалаб келганга нима етсин?! Ғилдиракнинг тагидан шамол ўтиб тургандан кейин бензин сарфланадида! Амортизация харажатлари, эҳтиёт қисмлар, қолаверса, ёнилғи ҳам ҳаммаси давлат ҳисобига.

Бу ерда давлатники билан ўзиникининг фарқига бормайдиган «содда» кишилар ишлар экан-да, деб хаёлдан ўтказиб қўйдик. «01 — 17 ТНВ» номерли «ГАЗ — 24» автомашинаси ўтган йил биринчи ярмида 33 марта, «01 — 64 ТШО» номерли «Волга» 112 марта, «02 — 88 ТШО» номерли машина эса 11 марта гаражда турмаганлиги қайд қилинган. «01—64 ТШО» номерли «Волга» автомашинаси шофёри Хайрулла Рихсиевдан бунинг сабабини сўрасак, у елкасини қисиб қўя қолди. Билдим, деб тутилгандан кўра, билмадим деб қутилган яхши-да! Юқорида номерлари келтирилган автомашиналарнинг шофёрлари А. Турсунов, Қ. Шарипов ва А. Абдумаликовлар ҳам «пишиқ-пухта»лардан экан, лом-мим дейишмади.

Хўп, шофёрларга бунинг нафи борлиги маълум. 1-колонна бошлиғи С. Соловьёвга-чи? Навбатчи механиклар бу шофёрлар устидан рапорт ёзиб беришганда, у ҳеч қандай чора кўрмай сукут сақлашни афзал билди. Ахир, бу автомашиналарнинг бири область матлубот жамияти раисига, қолган иккитаси эса раис ўринбосарларига хизмат қилгандан сўнг нима ҳам дерди?! Ана кўрдингизми масаланинг маъзи қаерда?!

Бу ерда нима фойда, нима зиёнлигини шофёрларгина эмас, диспетчерлар ҳам яхши билишади. Фойда чиқадиган бўлса, улар юлдузни бенарвон уриб тушишади. Чунончи, диспетчерлар йўл варақаларини расмийлаштиришда объектлар оралиғидаги масофани ва қатнов сонини кўпайтириб ёзиш ҳисобига бажарилган иш ҳажмини ошириб кўрсатмоқдалар. Масалан, «57—72 ТШП» номерли «ММЗ — 555» автомашинаси Тошкент район матлубот жамиятининг нон комбинатида тўрт кун ишлаб, ун комбинатидан у ерга 20 тонна ун ташиган эди. Диспетчерлар томонидан қатнов сони кўпайтирилиб, бу 40 тонна деб ёзилган. Оқибатда 100 литр бензин ҳисобдан чиқариб ташланган. Ёки бўлмаса, шу автомобиль учун 1986 йил 21 майда берилган йўл варақасига диспетчер бажарилган 285 тоннакилометр юк обороти ўрнига 350 километр деб ёзиб қўйган. Буюртмачидан ҳам, комбинатдан ҳам ортиқча ҳақ олинган.

Биринчи автоколоннада 51 автомашинанинг спидометридаги рақамлар билан йўл варақасидаги ёзувларнинг фарқ қилишини кўриб, ёқа ушладик. Баъзи автомашиналарда бу тафовут 300 километрни ташкил этган. Бунинг орқасида, табиийки, ёнилғи исроф бўлиши, қўшиб ёзишлар туриши ҳеч кимга сир эмас. Мазкур ташкилотда статистика маълумотларини бузиб кўрсатиш ҳоллари ҳам йўл қўйиляпти. Статистика маълумотларида енгил автомашиналар ўтган йили 269. 200 километр йўл юргани қайд қилинган бўлса, бухгалтерия ҳисоботларида бу рақам 282.700 километрни ташкил этади. Бундай ҳолни бирлашманинг 2-автоколоннасида, Тўйтепа, Қибрай автоколонналарида ҳам кўриш мумкин. Шуниси қизиқки, автомобилларнинг амалда босиб ўтган йўли билан техник паспортдаги рақам ўртасида катта тафовут бор. Аниқроғи, техник паспортда машиналарнинг амалда босиб ўтган йўли камайтирилган.

Бирлашмада автомобиль транспорти ёнилғиси сарфининг линия нормалари бор бўлса-да, у Калинин ва Келес автоколонналарида кўп ҳолларда оширилиб қўлланилмоқда. Натижада, ўтган бир ярим йил ичида ортиқча 500 литрдан зиёд бензин ҳисобдан чиқариб юборилган.

Бирлашмада «ўз фойдасини яхши биладиганлар» кўп бўлганини кўриб, нефть омбори ҳам рисоладагидек бўлса керак, деган хаёлда эдик. Уни кўрдиг-у, ҳайрон қолдик. Биринчи автоколоннада ертўлада жойлашган резервуарларнинг қопқоғи зич ёпилмайди, жўмракдардан ёнилғи сизиб турибди. Ҳамма ёқ мой. Мой тарқатгич колонка савлатга қўйилган, ишламайди. Буларнинг ҳаммаси исрофгарчиликка олиб келаётир. Нима учун катта жарима тўланганлигини шулардан ҳам билиб олса бўлади. Масъулиятсизлик, деб шуни айтадилар-да!

С. САЛИМОВ.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Телевидениенинг 19—25 январь программаси*

ЗАНГОРИ ЭКРАН ҲАФТАЛИГИ

19 январь, душанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ўзбек давлат филармонияси «Лазги» вокал-хореография ансамблининг концерти. 9.45 — Вадиий фильм. 11.00 — Мультфильмлар. 11.30 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Семёнов чалади. 17.15 — Лениндан ўрганамиз. 17.50 — СССР халқ артисти И. Пономоренко куйлайди. 18.10 — Поэзия. 19.15 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.20 — Мультфильм. 19.35 — Балет ҳақида. 20.50 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Муаммолар — изланишлар — ечимлар. 23.30 — Татаристон АССР давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Халқаро панорама. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.00 — «Чекист ҳақида қисса». Вадиий фильм. 23.25 — М. Равеля квартети. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Болаларга В. И. Ленин ҳақида. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Халқ куйлари. 16.35 — Рус адабиёти. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Физика. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — «Санъат гунчалари». 19.00 — «Бурчга садоқат...» 19.30 — Ахборот. 19.45 — Абдулла Авлоний ижоди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Камер куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.00 —Тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақа. 22.15 — «Денгиз қаъридан репортаж». Вадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.30 — Телефильм. 20.00 — «Аср бошида». Вадиий фильм. 21.30 — «Время».

ФРУНЗЕ. 22.25 — «Гамлет». Вадиий фильм. 1-серия.

20 январь, сешанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ҳайвонот оламида. 10.15 — Совет қўшиқларидан концерт. 10.40 — Лениндан ўрганамиз. 11.10 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Барановский билан учрашуви. 17.55 — Адабий кўрсатув. 19.00 — Концерт. 19.30 —Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 20.15 — Янгиликлар. 20.25 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Вадиий фильм. 3-фильм. 21.30 —Время. 22.05 — Адабий учрашув. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Камер куйларидан концерт.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Француз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — XVII аср рус санъати. 13.20 — Вадиий фильм. 15.15 — Поэзия. 15.45 —Янгиликлар. 15.50 — Чет эл тасвирий санъати. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Илмий-оммабоп фильм. 18.40 — «Оилавий ҳаёт лавҳалари». Вадиий фильм. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.25 — Хоккей. СССР чемпионати. 23.45 — А. Князов чалади. 00.15 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ҳужжатли фильм. 7.40 — Пионер телетайпи. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Музикали дастхат. 16.35 — Табиатшунослик. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Уйғун — лирик шоир. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоя. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Ижод саҳифалари. 19.50 — Ахборот. 19.45 — Шаҳар юмушлари ва муаммолари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва А. Аҳмадий концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақа. 22.20 — Дин ва сиёсат. 23.20 —«Бугун оламда нима гап?».

ЎзТВ-II. 19.30 — Г. Свиридов. «Патетик оратория». 20.10 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Телефильм. 21.30 — Время.

ФРУНЗЕ. 22.25 — «Гамлет». Вадиий фильм. 2-серия.

21 январь, чоршанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Мультфильмлар. 9.40 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Барановский билан учрашуви. 10.20 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Вадиий фильм. 3-фильм. 11.20 — Ешлар хорининг чиқиши. 11.35 — Ҳужжатли фильмлар. 12.10 — Совет қўшиқлари концерти. 12.30 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Болалар учун кўрсатув. 17.35 — Тарих сабоғи. 18.20 — Концерт. 18.55 — Бизнинг боғ. 19.25 — Севимли Ватаним менинг. 19.30 — Кекса большевиклар хорининг чиқиши. 20.00 — Мультфильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.20 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Вадиий фильм. 4-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Илмий-оммабоп фильм. 22.50 — РСФСР халқ артисти Р. Керер ижро этади. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.45 — Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.30 — А. М. Горький. «Болалик». 12.00 — Лирика. 13.00 — «Оилавий ҳаёт лавҳалари». Вадиий фильм. 14.50 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Драматургия ва театр. 16.10 — «Декабрь оқшомлари». Фестиваль концерти. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Ҳамкорлик. 19.00 — Концерт. 19.20 — Шахмат мактаби. 19.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 21.30 — Время. 22.05 — «Қуёш остида тўзон». Вадиий фильм. 23.40 — В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэмадан парчалар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ильичнинг севимли асарлари. 7.45 — Кинолавҳа. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 16.35 — Эстетика асослари. 17.15 — Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Абитуриент-87». 18.15 — «Мангу барҳаёт». Адабий композиция. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — В. И. Ленин ҳақида суҳбатлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ленин номи дилларда...» 21.30 — Время. 22.05 — Ижтимоий фанлар ва давр. 22.35 — «Жонтойнинг қасамёди». Вадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Ўзбекистон». Киножурнал. 19.50 — Пионер телетайпи. 20.00 — «Қишлоқ хўжалик билимлари телеуниверситети». 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.10 — «Майда ҳарфлар билан икки сатр». Вадиий фильм.

22 январь, пайшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.25 —Болалар учун кўрсатув. 10.10 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Вадиий фильм. 4-фильм. 11.20 — Концерт. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Воронеж давлат санъат институти халқ чолғу асбоблари оркестри чалади. 17.40 — Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 18.10 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.55 — Мультфильм. 19.10 — Шу куннинг почтаси. 19.40 — Янгиликлар. 19.50 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Камера кўзгусида жаҳон. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Фильм-концерт.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Умумий биология. 10.05 — Испан тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Зоология. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.55 — «Потёмкин броненосеци». Вадиий фильм. 14.10 — Тарих. 15.10 — Янгиликлар. 15.15 — Қишлоқ янгиликлари. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Музикали киоск. 19.00 — Саёҳатчилар клуби. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Волейбол. Европа чемпионлари кубоги. 21.30 — Время. 22.05 — «Пиковая дама». Вадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильм. 23.55 —Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Беш йиллик одимлари. 7.40 — Янги китоблар. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — «Рақс гулшанида». 16.35 — Ботаника. 17.10 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Физика. 18.15 — Фильм-концерт. 18.30 — Ўзбекистон касаба союзлари съезддан съездгача. Видеофильм. 19.00 — «Инсон ва замин». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Комсомол съезди олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — ЎзССР давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.30— Время. 22.05 — «Ахборот» танқид қилади...» 22.30 — «Саҳна усталари». 23.30 — Тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақа.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Спорт панорамаси». 20.30 — Телефильм. 21.10 — «Енгиндан сақланинг». 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.10 — Ҳужжатли фильм.

23 январь, жума

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Фильм-спектакль. 10.55 — Дунё ва ёшлар. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 12.35 —Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — «Кувноқ туш ёки кулгу ва кўз ёшлари». Вадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.55 — Фильм-концерт. 19.20 — Объектив. 19.50 — Янгиликлар. 19.55 — СССР Олий суди раиси В. Теребилов билан учрашув. 20.00 — Қадрдон ўлка қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — «Хоккей ўйнаш осонмас». Вадиий фильм. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — В. Висоцкий. «Монолог».

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 13.05 — «Пиковая дама». Вадиий фильм. 14.35 — «Истеъдод». 15.35 — Янгиликлар. 15.40 — Фан ва турмуш. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Илмий-оммабоп фильм. 18.50 — Халқ ҳунармандлари ҳақида кўрсатув. 19.10 — Телефильм. 19.20 — «Музикали киоск». 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Концерт. 21.00 — Бизнинг уй. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей. СССР чемпионати. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Қардошлик тароналари. 16.35 — Ўзбек совет адабиёти. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Ўқитувчи экрани. 18.15 —Ёшлик. 18.55 — Дала ҳовли юмушлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Давлат қабули — давр талаби». 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Партия турмуши». 22.30 — «Барҳаёт наволар». Ю. Ражабий. 23.50 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 20.10 — Ниқобсиз империализм. 20.25 — «Қишлоқ —чорвадорлар учун масъулиятли даврг». 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Бошқача бўлиши мумкин эмас». Вадиий фильм.

24 январь, шанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Мультфильмлар. 9.45 — Болалар учун кўрсатув. 10.15 — Поэзия. 10.50 — Тасвирий санъат. 11.35 — Калуга турбина заводи маданий, спорт комплекси ҳақида. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — Ҳамкорлик. 14.00 — Шанба — ота-оналар куни. 15.15 —Дунё воқеалари. 15.30 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.00 — Жаҳон халқлари ижоди. 16.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.45 — Ҳушёрлик ҳаёт нормаси. 18.15 — Мультфильм. 18.40 — 9-студия. 19.40 — Вадиий фильм. 21.30 —Время. 22.05— Шанба оқшомида. 00.05 — Янгиликлар. 00.10 — Коньки спорти бўйича Европа чемпионати.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Концерт. 9.55 — Ритмик гимнастика. 10.25 — Тонгги почта. 10.55 — «Колледж регистратори». Вадиий фильм. 12.05 — Спорт ва шахс. 12.50 — Жаҳон бадиий маданияти. 13.35 — Стадионда мотопойга. 14.05 — Концерт. 14.45 —«Муваффақият». Вадиий фильм. 16.15 «Союзмультфильм» киностудиясига бағишланган кўрсатув. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — Музикали кўрсатув. 20.00 — Коньки спорти бўйича Европа чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Машҳур асарлар, машҳур ижрочилар. 21.30 — Время. 22.05 — «Судланмаган». Вадиий фильм. 22.30 — Илмий-оммабоп фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 8.30 — Время. 9.10 — «Истеъдод». 9.30 — Ёш олимлар телеклуби. 10.00 — Врач маслаҳати. 10.10 — «Шум боланинг Янги йил арча байрамидаги гаройиб саргузаштлари». Телетеатр. 11.00 — Шахмат мактаби. 11.30 — Қизиқувчилар экрани. 12.00 — «Сеҳрли олма». Музикали фильм. 13.05 — Театр ва томошабин. 14.35 — Озиқ-овқат программаси амалда. 15.00 — Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз. 16.00 — Мультфильм. 16.10 — Гиёҳвандликка қарши кураш. 18.40 — Тенгдошлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — ЎзССР давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — «Кузги марафон». Вадиий фильм. **ДУШАНБА.** 18.10 — Болалар учун кўрсатув. 18.40 — Реклама. 18.50 — Мультфильмлар. 19.30 — Новости. 19.50 — Кинолавҳа. 20.00 — Театр сизнинг хонадонингизда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ўўстон-III» халқ ижодиёти республика конкурси. 21.30 — Время. 22.05 — «Ўўстон-III» республика конкурсининг давоми.

25 январь, якшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ритмик гимнастика. 10.00 — Спортлото. 10.15 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.45 — Тонгги почта. 12.15— Саёҳатчилар клуби 13.15 — Музикали киоск. 13.45 —Қишлоқ янгиликлари. 14.45 —Здоровье. 15.30 — Ўртоқ қўшиқ. 16.10 — «Руслан ва Людмила». Вадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Ўсимликлар дунёси. 20.00 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Музика ва биз. 23.15 — Янгиликлар. 23.20 — Коньки спорти бўйича Европа чемпионати.

МТ-II. 9.15 — Зарядкага саф ланинг! 9.35 — «Судланмаган». Вадиий фильм. 10.55 — Озербайжон телевидениесининг программаси. 12.00 — Онамларнинг мактаби. 12.30 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 13.15 — Вадиий фильм. 14.20 — Ҳайвонот оламида. 15.20 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.50 — Саҳна кўзгуси. Театр шарҳи. 17.10— Чашмалар. 17.40 — Классик кураш. СССР чемпионати. 18.10 Велопойга. Жаҳон чемпионати. 18.40 — Қиличбозлик. Халқаро турнир. 19.10 — Коньки спорти бўйича Европа чемпионати. 19.40 — Реклама. 19.45 — Цирк. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Дунё ва ёшлар. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Вадиий фильм. 23.30 — Унутилмас музикали кеча.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Мультфильм. 8.30 — Время. 9.10 — Вирг